QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil «25» fevral №88 Toshkent sh.

## Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида

"Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турларини бошлаш ва тугатишнинг унификациялашган тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

**Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низом** 1-иловага мувофиқ;

**Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш билан боғлиқ маъмурий шикоятларни республика даражасида кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашларининг (кейинги ўринларда – Апелляция кенгаши) намунавий таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда "Лицензия" ахборот тизими орқали келиб тушадиган сўровлар бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги учун тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

3. Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун хабарномаларни республика даражасида қабул қилувчи ваколатли органлар бир ой муддатда шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгаши таркибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар Қурилиш-монтаж ишларини бошлаганлик тўғрисидаги хабарноманинг паспортини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



5. Мазкур қарор 2022 йил 1 мартдан кучга киради.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

а) хабардор қилиш тартиб-таомиллари “Лицензия” ахборот тизими ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун манзилли ва предметли тарғибот тадбирларини амалга оширсин;

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистан Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “25” феврал даги 88 -сон қарорига
1-илова

# Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисида
# ЯГОНА НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хабардор қилиш талаб этиладиган фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаганлик ва тугатганлик ҳақида ваколатли органга хабарнома юбориш, хабардор қилувчиларлар фаолиятини назорат қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланади.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари билан хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларни хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар)** – фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинишини талаб этмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, шунингдек, тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш ва фаолиятини назорат қилиш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларга риоя этиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар ўз зиммасига мажбуриятлар қабул қилиши орқали амалга ошириладиган фаолият турлари;

**хабардор қилувчилар** – ваколатли органга хабарнома юборган ва хабарномалар реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахслар;

**хабарнома** – хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни бошлаш (тугатиш) учун хабардор қилувчилар томонидан ваколатли органга юбориладиган маълумотлар;

**хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар** (кейинги ўринларда – ваколатли орган) – хабарномани қабул қилувчи, хабардор қилиш тартиби амалга ошириладиган муайян фаолият турларини тартибга солувчи ва хабарномалар реестрини юритувчи давлат органи (унинг ҳудудий бўлинмаси) ёки бошқа ташкилот;

**“Лицензия” ахборот тизими** (кейинги ўринларда – “Лицензия” АТ) – лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлган тизим;

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



**тасдиқнома** – хабардор қилувчилар ўз фаолиятини бошлагани ёки тугатгани ҳақида ваколатли органни хабардор қилганини тасдиқловчи, “Лицензия” АТ орқали автоматик тарзда шакллантириладиган, матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган ва ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунавий шаклдаги электрон ҳужжат;

**фаолиятни амалга оширишнинг талаблари ва шартлари** – хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури билан шуғулланишда хабардор қилувчилар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, шунингдек, ушбу Низомга 2-27-иловаларда келтирилган паспортларда белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи (кейинги ўринларда – паспортлар);

**хабарномалар реестри** – фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган хабардор қилувчилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ваколатли органларнинг маълумотлар базалари;

**шикоят** – ваколатли органлар қарорлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ҳолда, хабардор қилувчиларларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаати.

4. Хабардор қилувчилар ўз фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисидаги хабарномани Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки “Лицензия” АТ орқали хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни бошлашдан олдин электрон шаклда юборади.

Хабарнома “Лицензия” АТ ёки ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Бунда хабарнома “Лицензия” АТ ёки ЯИДХП орқали қабул қилинган вақтдан бошлаб, ваколатли орган хабардор қилинган ҳисобланади.

5. Амалга оширилиши учун ваколатли органни хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турлари қонун билан белгиланади.

Ваколатли органни хабардор қилмасдан, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади.

## 2-боб. Фаолиятни амалга оширишнинг талаблари ва шартлари

6. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

паспортларнинг 9-бандида келтирилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

хабарномада кўрсатилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

ходимлар билан янги меҳнат шартномалари тузилганлиги, шартномаларга ўзгартишлар киритилганлиги ва уларни бекор қилиш ҳолатларини, шунингдек, амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш – тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ходимларга нисбатан талаб мавжуд бўлган тақдирда;

хабардор қилувчиларнинг номи, юридик манзили ўзгарганлиги рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ёки филиал ва ваколатхона очилгандан сўнг ваколатли органга ўн иш куни ичида "Лицензия" АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали хабар бериш.

7. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартларни қўпол равишда бузишга доир ҳолатлар паспортларда белгиланади.

## 3-боб. Фаолиятни бошлаш ҳақида хабарнома юбориш ва уни ҳисобга олиш тартиби

8. Хабардор қилувчилар электрон рақамли имзосидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда, фаолиятни амалга оширишни бошлаши учун ваколатли органга "Лицензия" АТ ёки ЯИДХП орқали хабарнома юборади.

9. Хабарномани юборишда амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолият тури ёки унинг бир қисми танланади ва тегишли фаолият тури учун паспортларнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар киритилади (юкланади).

Бунда хабарномага илова қилинадиган (юкланадиган) тегишли ҳужжатлар электрон шаклда (PDF, PNG ёки JPEG форматда) бўлиши керак.

10. Паспортларнинг 6-бандида назарда тутилган маълумотлар ва ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Хабардор қилувчиларлар хабарномани юборишда паспортларнинг 9-бандида назарда тутилган талаблар ва шартларга мувофиқ эканлигини тасдиқлаши лозим.

12. Хабарнома юборганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоригача йиғим ундирилади (алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотишни бошлаганлик ҳақидаги хабарномалар бундан мустасно).

Хабарнома юборганлик учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари воситасида тасдиқланади.

13. Хабарномада маълумотлар нотўғри киритилганлиги аниқлаган тақдирда, хабардор қилувчилар нотўғри маълумотларни ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган йиғимни тўлагунига қадар ўзгартиришга ҳақли.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



14. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоиз – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – ваколатли органлар ҳисобварағига ўтказилади.

15. Хабарномада киритилган маълумотлар “Лицензия” АТ орқали идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд маълумотлар асосида автоматик тарзда таққосланади ва ўрганилади.

16. Хабарнома қуйидаги ҳолларда автоматик тарзда қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон ахборот киритилганлиги “Лицензия” АТ орқали аниқланганда;

ушбу Низом 12-бандининг биринчи хатбошида назарда тутилган йиғим тўланмаганда;

фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларга риоя этилганлиги ҳамда улар бажарилганлиги тасдиқланмаганда;

агар хабардор қилувчилар аввал хабарномалар реестрига айнан ўша фаолият (ҳаракатлар) бўйича киритилган бўлса ва уларнинг фаолияти (ҳаракатлари) амалга оширилаётган бўлса;

ваколатли орган ёки суд томонидан хабардор қилувчиларнинг фаолияти (ҳаракатлари) муайян муддатга тўхтатиб турилганда;

хабардор қилувчилар томонидан тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш суднинг қарорига асосан тақиқланганда.

Ушбу бандда кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан ташқари бошқа асослар билан хабарномани қабул қилмасликка йўл қўйилмайди.

17. Белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда юборилган хабарнома “Лицензия” АТ орқали автоматик тарзда қабул қилинади.

18. Қабул қилинган хабарнома асосида хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетида ушбу Низомнинг 2-банди еттинчи хатбошида назарда тутилган тасдиқнома автоматик тарзда шаклланади.

Бунда хабардор қилувчилар хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномани “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали юклаб олиши мумкин. Хабардор қилувчиларнинг хоҳишига кўра мобиль алоқа рақамига SMS-хабар шаклида ҳам юборилиши мумкин.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



19. Тасдиқнома давлат тилида расмийлаштирилади. Хабардор қилувчилар хоҳишига кўра тасдиқнома рус ва инглиз тилларида ёки имкон бўлса, “Лицензия” АТ имконияти доираси бошқа тилда расмийлаштирилиши мумкин.

20. Тасдиқнома юборилган хабардор қилувчиларлар тўғрисидаги ахборот хабарномалар реестрида автоматик равишда шакллантирилади.

## 4-боб. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини тўхтатиш, қайта тиклаш ва тугатиш тартиби

21. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) қуйидаги асосларга кўра муайян муддатга тўхтатилиши мумкин:

ваколатли органнинг ташаббуси билан;

фаолиятни тугатиш тўғрисида иш судда кўриб чиқилиб, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар.

22. Ваколатли орган ўзининг ташаббуси билан паспортларнинг 9-бандида назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

23. Хабардор қилувчиларнинг фаолиятини тўхтатиш асослари аниқланган тақдирда, тўпланган маълумотлар ва ҳужжатлар асосида ваколатли орган (унинг ҳудудий бўлинмалари) хабардор қилувчиларнинг фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириши мумкин. Текшириш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштирилади ва хабардор қилувчилар (ёки уларнинг вакили) далолатнома билан таништирилади (имзоси олинади).

24. Агарда хабардор қилувчилар (ёки уларнинг вакили) далолатнома билан танишишдан (имзо қўйишдан) бош тортган тақдирда, далолатномага бу ҳақда тегишли маълумот киритилиб, холис гувоҳлар иштирокида расмийлаштирилади.

25. Расмийлаштирилган далолатнома электрон шаклда (PDF форматда) ваколатли орган томонидан бир иш куни ичида хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборилиши шарт.

Бунда далолатнома юборилган кундан хабардор қилувчилар у билан таништирилган ҳисобланади.

26. Далолатнома тузилган кундан эътиборан бир иш куни ичида ваколатли орган хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга ва ушбу муддатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиши лозим.

Бунда қарор ваколатли органнинг биринчи раҳбари (ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс) томонидан “Лицензия” АТ орқали ЭРИ билан тасдиқланади.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



27. Қабул қилинган қарор “Лицензия” АТ орқали автоматик тарзда хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига шу куннинг ўзида юборилади ҳамда хабарномалар реестрида хабардор қилувчиларнинг фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот киритилади. Қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилувчилар тегишли тарзда хабардор қилиниши лозим.

28. Хабардор қилувчилар ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор келиб тушган кундан эътиборан қарорда кўрсатилган муддатда аниқланган ҳолатларни бартараф этиши ва асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали ваколатли органга юбориши лозим.

29. Ваколатли орган (унинг ҳудудий бўлинмалари) камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги хабарни ва бу ҳақда асослантирувчи ҳужжатларни олгандан сўнг беш иш куни ичида маълумотларни таҳлил қилади. Заруратга кўра жойига чиққан ҳолда ўрганиши мумкин ва бу ҳақда ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган тартибда далолатнома расмийлаштирилади ва хабардор қилувчиларга етказилади.

30. Ушбу Низомнинг 27, 28 ва 29-бандларида кўрсатилган ҳолатларда хабардор қилувчиларнинг фаолияти муайян муддатга тўхтатилган ҳисобланади.

Агар хабардор қилувчилар камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида хабарни ва асослантирувчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг беш иш куни ичида ваколатли орган фаолиятни қайта тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилмаса, хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланган ҳисобланади ва хабарномалар реестрида автоматик равишда бу ҳақда маълумот чиқади.

31. Қарорда назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганлиги бўйича далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг бир иш куни ичида ваколатли орган:

хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) қайта тиклаш тўғрисидаги қарорнинг электрон шаклини хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали юбориши;

хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни хабарномалар реестрига киритиши лозим.

32. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) қуйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкин:

хабардор қилувчилар томонидан ўз фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисида ваколатли органга юборган хабарномага;

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



ушбу Низомда назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилган тақдирда, суднинг қарорига асосан.

33. Хабардор қилувчилар ўз фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиши тўғрисида “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали соддалаштирилган тартибда ваколатли органга хабарнома юборади.

Бунда алоҳида маълумот ва ҳужжатларни “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПга киритиш талаб этилмайди (паспортларда алоҳида тартиб назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Фаолиятни тугатиш тўғрисидаги хабарнома юборилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

34. Фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги хабарнома юборилгандан сўнг хабардор қилувчиларнинг фаолияти хабарномада кўрсатилган санадан тугатилган ҳисобланади ва бу ҳақда хабарномалар реестрида автоматик тарзда белги қўйилади.

35. Хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги ариза судга ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

хабардор қилувчилар томонидан фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш тўғрисида юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ёлғон ёки нотўғри эканлиги аниқланганда;

паспортларда белгиланган талаблар ва шартлар бузилишига олиб келган камчиликлар хабардор қилувчилар томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

белгиланган талаблар ва шартларни мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) ёки бир марта қўпол равишда бузганда, агар бу қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари поймол қилинишига, жамоат хавфсизлиги ҳолати ёмонлашишига ва атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келган бўлса.

36. Ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган ҳолларда ваколатли орган ушбу ҳолат юзасидан мазкур Низомнинг 23 ва 24-бандларига асосан далолатнома расмийлаштиради ва бир иш куни ичида хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборади.

Далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг ваколатли орган беш иш куни ичида судга хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибидаги фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш ҳақида даъво аризасини тақдим этади.

Судга тақдим этилган даъво аризасининг электрон шакли (PDF форматини) “Лицензия” АТ орқали хабардор қилувчиларнинг “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юборилиши ҳамда бу ҳақда хабарномалар реестрига тегишли маълумотларни киритилиши шарт.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



Ваколатли орган беш иш куни ичида судга хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибидаги фаолиятини тугатиш ҳақда даъво аризасини киритмаса, хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланган ҳисобланади ва хабарномалар реестрида автоматик равишда бу ҳақда маълумот чиқади.

37. Фаолиятни тугатиш тўғрисидаги даъво аризаси судда кўриб чиқилиб, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар хабардор қилувчиларнинг фаолияти муайян муддатга тўхтатиб турилади.

38. Ваколатли орган ушбу Низомнинг 35-бандида назарда тутилган ҳолатлар юзасидан судга тақдим этадиган аризасида хабардор қилувчилар томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда уч ойгача бўлган муддатга хабардор қилувчиларнинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тақиқлаш тўғрисида талаб қўйиши мумкин. Бунда хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни тақиқлашнинг аниқ муддати суд томонидан қонунда белгиланган тартибда аниқланади.

39. Суднинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ваколатли орган уч иш куни ичида бу ҳақда хабарномалар реестрига тегишли маълумотни киритади.

Хабардор қилиш фаолияти суд тартибида тугатилган шахслар махсус электрон тизимда алоҳида рўйхатга киритилади.

## 5-боб. Фаолиятни назорат қилиш тартиби

40. Хабарномалар реестрига киритилган ҳамда фаолиятини амалга ошираётган хабардор қилувчиларнинг белгиланган талаблар ва шартларга риоя этиши ваколатли орган (ёки унинг ҳудудий бўлинмалари) томонидан назорат қилинади.

41. Назорат қилиш қуйидаги шакллар бўйича амалга оширилади:

“Лицензия” АТ орқали хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши бўйича масофавий мониторинг;

хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва текширувларни мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан белгиланган тартибда келишилганда жойига чиққан ҳолда текшириш орқали;

хабардор қилувчиларларнинг фаолияти билан боғлиқ статистик ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали.

Ваколатли органларга хабардор қилувчиларлар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида паспортларда назарда тутилмаган талаблар ва шартларнинг бажарилишини текшириш ёки улардан ушбу шартлар ва талабларнинг бажарилишини талаб қилиш тақиқланади.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



42. Ваколатли орган “Лицензия” АТ имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, хабардор қилувчиларнинг ходимлари талаб ва шартларга риоя қилганлиги тўғрисида киритилган маълумотлар, шунингдек ваколатли органлар ва идоралардан олинган бошқа ахборотлар асосида масофавий мониторингни амалга оширади.

43. Ваколатли орган масофавий мониторингни амалга ошириш жараёнида хабардор қилувчилар томонидан белгиланган талаблар ва шартларни бузиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, ўн иш кунидан кам бўлмаган муддатда аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан хабардор қилувчиларга “Лицензия” АТдаги шахсий кабинети орқали огоҳлантириш хати юборади.

Бунда хабардор қилувчиларнинг фаолиятини тўхтатишга йўл қўйилмайди.

44. Агарда огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддатда хабардор қилувчилар аниқланган ҳолатларни бартараф этмаса ва бу ҳақда ваколатли органни “Лицензия” АТ орқали хабардор қилмаса, ваколатли орган “хавфни таҳлил қилиш” тизими натижалари асосида жойига чиққан ҳолда текшириши мумкин.

45. Хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари;

“Лицензия” АТ орқали юборилган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабарнома юбориш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузишга доир жисмоний шахсларнинг маълумотлари.

46. Ушбу Низомнинг 45-бандида назарда тутилган текширишлар белгиланган тартибда текширувларни мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

47. Хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши жойга чиққан ҳолда ўн кунгача бўлган муддатда текширилади.

## 6-боб. Хабарномалар реестрини юритиш тартиби

48. Хабарномалар реестрида хабардор қилувчиларнинг фаолият юритаётганлиги, фаолияти тўхтатилганлиги, қайта тиклангани, тугатилганлиги ва бошқа ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Хабарномалар реестри ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида юритилади.

49. Хабарномалар реестри “Лицензия” АТда электрон шаклда юритилади ва ундаги маълумот барча учун очиқ ҳисобланади.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



Хабардор қилувчилар хабарномалар реестрига киритилганлиги бўйича тасдиқномани “Лицензия” АТ ёки ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали исталган вақтда чекланмаган тарзда юклаб олиши мумкин.

50. Хабарномалар реестри автоматик тарзда шакллантирилади ва унинг доимий юритилиши ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Ваколатли орган хабарномалар реестрини юритишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибларга амал қилиши лозим.

51. Ваколатли орган қуйидаги маълумотларни хабарномалар реестрига ўз вақтида киритиб боришга жавобгар:

хабардор қилувчиларнинг фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида;

хабардор қилувчиларнинг фаолияти қайта тикланганлиги тўғрисида;

хабардор қилиш тартибидаги фаолият тугатилганлиги тўғрисида.

52. Хабарномалар реестри хабардор қилувчиларнинг давлат томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш ва улар тўғрисида маълумотлар бериш, шунингдек, хабардор қилувчиларнинг хабарномада кўрсатилган фаолияти юзасидан давлат назоратини ўрнатиш мақсадида юритилади.

53. Ҳар бир хабарномалар реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

хабардор қилувчиларнинг реестр тартиб рақами, уларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган жойи (почта манзили), юридик шахс учун – солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахс учун – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР);

реестрга киритилган сана;

хабардор қилиш тартибида амалга оширилаётган фаолият тури ва фаолият амалга оширилаётган манзил;

хабардор қилувчиларнинг фаолият юритиш ҳолати (амалда, тўхтатилган, қайта тикланган, тугатилган) ва санаси;

хабардор қилувчиларнинг фаолияти тўхатилганлиги ёки тугатилганлиги асослари;

хабардор қилувчилар фаолиятини амалга ошириш учун қўйилган тақиқнинг қолган муддати.

54. Хабарномалар реестрининг захира нусхаси “Лицензия” АТ операторида сақланиши лозим.

55. Хабардор қилувчиларлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар базаси ваколатли орган фойдаланиши учун шакллантирилади ва унда хабарномани юборишда киритиладиган барча маълумотлар ҳамда илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари сақланади.

Ушбу маълумотлар базасида хабарномалар реестрида киритилмаган ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда, ваколатли орган томонидан ушбу ахборотлар бошқа шахсларга ошкор қилиниши тақиқланади.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



## 7-боб. Ваколатли органларнинг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва уни кўриб чиқиш тартиби

56. Хабардор қилувчилар “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ ваколатли органнинг қарорлари ҳамда унинг мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига тааллуқли бўлган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга ҳақли.

57. Хабардор қилувчилар шикоятни:

ҳудудий даражадаги ваколатли органга нисбатан – унинг юқори турувчи органига;

республика даражасида ваколатли органга нисбатан ушбу идорада ташкил этилган Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгашига (кейинги ўринларда – Апелляция кенгаши) тақдим этади.

58. Юқори турувчи ваколатли орган ёки Апелляция кенгаши шикоят бўйича у қабул қилинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида қарор қабул қилади.

Хабардор қилувчиларнинг талабига кўра шикоят уларнинг иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

Бунда юқори турувчи ваколатли орган ва Апелляция кенгаши хабардор қилувчиларнинг истагига кўра муҳокамани видеоконференц-алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказишни таъминлаши шарт.

Видеоконференц-алоқа режимида шикоятни кўриб чиқиш учун техник ва бошқа шароитларни таъминлаш ваколатли органнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига юкланади.

59. Апелляция кенгаши йиғилиши унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда, ваколатли ҳисобланади. Апелляция кенгашига ваколатли органнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари раислик қилади.

Апелляция кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вакили кузатувчи сифатида иштирок этади.

60. Юқори турувчи ваколатли орган ёки Апелляция кенгаши шикоят бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

қабул қилинган ва шикоят қилинаётган қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

шикоят қилинаётган қарорга ўзгартиришлар киритиш;

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш.

61. Шикоят Апелляция кенгаши томонидан кўрилаётганда, қарорлар очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Шикоят бўйича Апелляция кенгашининг қарори барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бунда Апелляция кенгаши аъзоларидан бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Апелляция кенгашининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, раис ҳам битта овозга эга бўлади.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



Апелляция кенгашининг йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар баённома шаклида расмийлаштирилади.

Апелляция кенгаши йиғилиши материалларини тайёрлаш ва унинг баённомалари котиб томонидан расмийлаштирилади.

62. Хабардор қилувчилар шикоят юзасидан Апелляция кенгаши ёки бошқарув даражасидаги ваколатли органга нисбатан улардан юқори турувчи органларнинг қабул қилган қарорлари натижасидан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда судга шикоят қилишга ҳақли.

63. Ваколатли органнинг қарори ёки ҳужжати юзасидан шикоят қилинганда, шикоят юқори турувчи ваколатли орган ёки Апелляция кенгашида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан тегишли қарор ёки ҳужжатнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, хабардор қилувчиларнинг фаолиятини тўхтатиш ҳолатлари бундан мустасно.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

64. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

65. Фаолият учун белгиланган талаблар ва шартлар бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш назарда тутилиши мумкин.

66. Ваколатли орган хабардор қилувчиларга нисбатан қўллаган жавобгарлик чоралари, шунингдек, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилмаган тақдирда, хабардор қилувчиларга келтирган зарарларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплайди.

67. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари мазкур Низом талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шу жумладан, “Лицензия” АТ орқали доимий мониторинг қилиб боради.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор этиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга
1-илова

*НАМУНА*

O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi

Xabarnoma qabul qilinganligi to’g’risida

# TASDIQNOMA

№ 000000

**“Oltinsoy Fayz” MChJ**

Oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim muassasalari faoliyati

**Tasdiqnoma reyestri bo‘yicha tartib raqami:**
*X-0000*

**STIR (Soliq to‘lovchining identifikatsion raqami):**
000 000 000

**Pochta manzili:**

______________________________________________

**Faoliyat (harakat) amalga oshiriladigan manzil:**

______________________________________________

**Vakolatli organ:**
O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi

**Xabarnoma yuborilgan sana:**________________

*Mazkur tasdiqnomaning haqqoniyligini QR-kodni skanerlash orqali tekshirish mumkin.*

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
2-илова

**Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) заргарлик буюмларини, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни, шунингдек, қимматбаҳо тошларни баҳолаш;<br>б) қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни баҳолаш, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни геммологик текшириш;<br>в) қимматбаҳо металлардан ясалган лаборатория идишларидан, катализаторлар, катализатор сеткаларидан, таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналардан, термопар, термореле, термоқаршиликдан фойдаланиш ва уларни сақлаш;<br>г) таркибида қимматбаҳо металлар бўлган ташқи қопламалар тайёрлаш ва/ёки суркаш (кимёвий, электрокимёвий, пуркаш ва бошқа усуллар билан);<br>д) таркибида қимматбаҳо металлар бўлган моддаларни (тиббий препаратлар, тузлар, реагентлар, кимёвий бирикмалар ва бошқаларни) ишлаб чиқариш, қўллаш, сақлаш;<br>е) таркибида қимматбаҳо металлар бўлган тиш ясашга мўлжалланган маҳсулотлар учун дисклар, электродлар, анодлар, контактлар ва кавшарларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш;<br>ё) тиббиёт, озиқ-овқат, алкоголь ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қимматбаҳо металлардан, таркибида қимматбаҳо металлар бўлган озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш;<br>ж) қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга ишлов бериш, уларни сайқаллаш. Табиий олмосдан ясалган фильерлар, волоклар, олмосли учликлардан, табиий олмосдан ясалган олмосли асбобдан ва бурғилаш олмосли асбобидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш. Олмосли асбобини рекуперация қилиш ишларини амалга ошириш;<br>з) қимматбаҳо металларни, қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг асиллик даражасини назорат қилиш ишлари;<br>и) таркибида қимматбаҳо металлар бўлган маиший техника, ташкилий техника, тиббиёт техникаси ва бошқа буюмларни қисмларга ажратиш, уларга дастлабки ишлов бериш, турларга ажратиш, босма платаларни утилизация қилиш;<br>й) узелларида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш ҳамда утилизация қилиш, шунингдек, таркибида қимматбаҳо металлар бўлган асбоб-ускуналарни қисмларга ажратишдан |

| | | |
|---|---|---|
| | | ва утилизация қилишдан олинган чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарига топшириш;<br>к) таркибида қимматбаҳо металлар бўлган иккиламчи ресурслар, парчалар ва чиқиндиларни кейинчалик қайта ишлаш (аффинаж) корхоналарига топшириш учун тўплаш (тайёрлаш), қисмларга ажратиш, саралаш, уларга дастлабки (бирламчи) қайта ишлов бериш;<br>л) қимматбаҳо металлардан ҳарбий ва/ёки авиация техникасини таъмирлашда фойдаланиш, таркибида қимматбаҳо металлар бўлган ҳарбий ва/ёки авиация техникаси чиқиндиларини сақлаш ва улардан фойдаланиш;<br>м) ҳарбий ва/ёки авиация техникасидан таркибида қимматбаҳо металлар бўлган радиодеталлар ва элементларни ажратиб олиш, ҳарбий ва/ёки авиация техникасининг таркибида қимматбаҳо металлар бўлган чиқиндиларини тўплаш ва қайта ишлаш корхоналарига топшириш;<br>н) таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар бўлган буюмлар ҳамда предметларни кўргазмаларга қўйиш, сақлаш ва реставрация қилиш;<br>о) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ҳамда бошқа буюмларни, таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган предметларни (давлат органларининг қарорларига кўра давлат даромадига ўтказилган) реставрация қилиш (таъмирлаш);<br>п) таркибида кумуш мавжуд бўлган ва ёруғликка таъсирчан материаллардан, кинофоторентген-плёнкалар, кинофоторентген-пластинкалар ва таркибида қимматбаҳо металлар бўлган худди шундай материаллардан фойдаланиш. |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| 4. | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | "Лицензия" АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами);<br>е) амалга ошириш режалаштирилаётган фаолият тури;<br>ё) ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумот (электрон ёки таҳлилий тарози ва тошлар (ҳар-хил оғирликдаги). |

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширганда, белгиланган талабларга мос мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари мавжудлиги;<br>б) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги;<br>в) таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашё билан ишлаганда, ишлаб чиқариш мақсадларида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланилганда, қимматбаҳо металлардан авиация ва/ёки ҳарбий техникада фойдаланилганда:*<br>қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширишга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;<br>хабардор қилувчилар томонидан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни олиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш юзасидан талабларга мажбурий риоя қилиниши, қимматбаҳо металларнинг чиқинди ва парчаларини қайта ишлаш корхоналарига топшириш учун тайёрлаш, қадоқлаш, ташиш ва қабул қилиш-топшириш шартларига мажбурий риоя қилиниши;<br>ваколатли орган томонидан белгилаган муддатлар ва шакллар бўйича қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботлар тақдим этиш;<br>г) таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналар билан ишлаганда:<br>таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган ускуналар билан ишларни амалга оширишга қўйиладиган талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;<br>қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни олиш, сарфлаш, ҳисобини юритиш ва сақлаш юзасидан талабларга ариза берувчи томонидан мажбурий риоя қилиниши, қимматбаҳо металларнинг чиқинди ва парчаларини қайта ишлаш корхоналарига топшириш учун тайёрлаш, қадоқлаш, ташиш ва қабул қилиш-топшириш шартларига мажбурий риоя қилиш; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | д) ижтимоий-маданий мақсадларда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланилганда:<br>ижтимоий-маданий мақсадларда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга ошириш юзасидан талабларни тартибга солувчи норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;<br>қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни олиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш юзасидан талабларга ариза берувчи томонидан мажбурий риоя қилиш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | Ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида хабарнома юборилади.<br>** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
3-илова

**Қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ҳамда бошқа буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмлари ҳамда бошқа буюмлар ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) шахсий буюртма асосида аҳоли томонидан тақдим этилган материаллардан заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмларини таъмирлаш. Ўз ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлган чиқиндиларни механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаш ёрдамида қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан қимматбаҳо металларни ажратиб олиш *(аҳоли буюртмасига асосан заргарлик буюмлари ясашда ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳуқуқига эга эмас)*;<br>б) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш. Ўз ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлган чиқиндиларни механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаш ёрдамида қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан қимматбаҳо металларни ажратиб олиш *(аҳоли буюртмасига асосан заргарлик буюмлари ясашда ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳуқуқига эга эмас)*. |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | *Якка тартибдаги тадбиркорлар учун:*<br>а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) фаолиятини амалга ошириш жойи (манзили, кадастр рақами);<br>в) яшаш манзили;<br>г) мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>е) амалга ошириш режалаштирилаётган фаолият турлари (ёки уларнинг қисмлари);<br>ё) ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумот (электрон ёки таҳлилий тарози ва тошлар (ҳар хил оғирликдаги); |

| | | |
|---|---|---|
| | | *Юридик шахслар учун:*<br>ж) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>з) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>и) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>й) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>к) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзил(лар)и, кадастр рақами);<br>л) амалга ошириш режалаштирилаётган фаолият турлари (ёки уларнинг қисмлари);<br>м) ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумот (электрон ёки таҳлилий тарози ва тошлар (ҳар хил оғирликдаги). |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Давлат хизматлари агентлиги;<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги;<br>Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун талаб ва шартларга мос мулк ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ асосида тегишли бўлган бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва шароитларнинг мавжудлиги;<br>б) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий-техник база, ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги;<br>в) қуйидаги қўшимча талаб ва шартларга риоя этиш:<br>*Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ва/ёки низом жамғармасида камида 50 фоиз давлат улушига эга бўлган юридик шахслар учун:*<br>фаолият кўрсатадиган жойда ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техник мустаҳкамлик йўриқномалари, материаллар, хомашё ва тайёр буюмларни сақлаш қоидаларига белгиланган талабларга мувофиқ риоя этилишини таъминлаш;<br>қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш бўйича талабларни тартибга солувчи техник ва норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги (қимматбаҳо металларни сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш бўйича объект ичидаги йўриқномалар, техник қайдлар, маршрут технологиялари харитаси, бичиш хариталари, барча операциялар учун операциялар бўйича нормативлар, қимматбаҳо металларни сарфлашнинг батафсил операция нормалари ва жамланган нормалари); |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун малакали ходимларнинг мавжудлиги;<br>хабардор қилувчининг қимматбаҳо металларни олиш, сарфлаш, ҳисобга олиш, сақлаш тартиби, қимматбаҳо металларни тайёрлаш, қадоқлаш, транспортировка қилиш, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш корхоналарига топшириш тартибига риоя қилиш бўйича талабларни сўзсиз бажариши;*<br>қимматбаҳо металларнинг келиб тушиши, сарфланиши ва хомашёда, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришда ва таркибида қимматбаҳо металлар бўлган буюмларда уларнинг қолдиқларини, шунингдек, ушбу бойликлар чиқиндилари ва йўқотишларнинг қатъий ҳисобини юритиш;<br>хомашёда, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришда ва таркибида қимматбаҳо металлар бўлган буюмларда, барча сақлаш жойлари ҳамда бевосита ишлаб чиқаришда уларнинг қолдиқларини ҳар чоракда хатловдан ўтказиш;<br>қимматбаҳо металлар ҳосил бўладиган жойлар ва манбаларда уларнинг барча турдаги парчалари ва чиқиндиларини тўлиқ тўплаш, ҳисобга олиш ҳамда сақлашни таъминлаш;<br>ваколатли органга белгиланадиган шакллар бўйича ва муддатларда қимматбаҳо металлар ҳамда қимматбаҳо тошлар ҳаракати тўғрисида ҳисоботларни тақдим этиш;<br>*Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмайдиган ва/ёки низом жамғармасида камида 50 фоиз давлат улушига эга бўлмаган юридик шахслар учун:*<br>белгиланган талабларга мувофиқ ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари, нормалари, гигиена нормативлари, техник мустаҳкамлик бўйича йўриқномалар мавжудлиги;<br>фаолият жойида мустақил равишда ишлаб чиқилган норма ва қоидалар асосида материаллар, хомашё ва тайёр буюмларни ҳисобга олиш, сарфлаш, сақлаш;<br>қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлаш учун мустақил равишда ишлаб чиқилган норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;<br>*якка тартибдаги тадбиркорлар учун:*<br>хабардор қилувчи қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш бўйича мустақил ишлаб чиқилган тартибга риоя қилиши шарт;<br>г) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун махсус шартлар:*<br>хабарнома қабул қилинганлиги ҳақидаги тасдиқномада хабардор қилувчига ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси берилади (лотин алифбосининг учта катта харф белгилари). Шахсий тамғани беришда аввал ишлатилган ҳарфлар комбинациясини бошқа хабардор қилувчиларга такроран беришга йўл қўйилмайди; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | шахсий тамғани тайёрлаш учун тадбиркорлик субъекти мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасига хабарнома қабул қилинганлиги ҳақидаги тасдиқнома билан мурожаат қилади;<br>шахсий тамға хабарнома юборилгандан кейин 90 кун ичида Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. |
| **10.** | **Изоҳ:** | Ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғасини механик (зарб) ёки лазер усуллари ёрдамида туширишга рухсат этилади. Бунда заргарлик буюмларига лазер усуллари ёрдамида туширилган шахсий тамғанинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ишлаб чиқарувчининг зиммасига юкланади.<br>Тадбиркорлик субъекти заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўз хоҳишига кўра тугатганда ва маълум бир вақтдан сўнг фаолиятни қайта тиклашни истаганда, ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси умумий асосларга кўра берилади.<br>* *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
4-илова

**Заргарлик буюмларини ҳамда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни сотиш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Заргарлик буюмларини ҳамда қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмларни сотиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар билан чакана савдо қилиш (шу жумладан, хорижий давлатлардан сотиш учун олиб келинган), қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар билан воситачилик савдоси;<br>б) ахборот-коммуникация технологияларидан (онлайн-дўконлардан) фойдаланган ҳолда, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмларнинг чакана савдоси;<br>в) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар билан божсиз савдо зоналарида чакана савдо қилиш (duty free);<br>г) қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан ясалган буюмларни сотиб олиш, қимматбаҳо металларнинг парчалари ва чиқиндиларини сотиб олиш;<br>д) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар билан улгуржи савдо қилиш (шу жумладан, хорижий давлатлардан сотиш учун олиб келинган). |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзил(лар)и, кадастр рақами);<br>е) ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумот (электрон ёки таҳлилий тарози ва тошлар (ҳар хил оғирликдаги). |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Давлат хизматлари агентлиги;<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган бинолар ва иншоотларнинг мавжудлиги;<br>б) қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар билан савдо қилиш учун ўлчаш воситаларининг мавжудлиги;<br>в) заргарлик буюмининг тамғасида белгиланган даражага мос келадиган ашёларни сотиш.* |
| **10.** | **Изоҳ:** | Ҳар бир фаолият юритиш тури ва манзилига (филиалига) алоҳида хабарнома юборилади.<br>** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
5-илова

**Инвестиция маслаҳатчиси фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Инвестиция маслаҳатчиси фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Инвестиция маслаҳатчиси фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами);<br>е) юридик шахс раҳбарининг:<br>паспорт рақами, серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>1-тоифали малака сертификати рақами ва санаси;<br>ё) махсус касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар тўғрисида маълумот:<br>паспорт рақами, серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>малака сертификати рақами ва санаси. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Ички ишлар вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |

| | | |
|---|---|---|
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) 50 млн сўм миқдорида ўз маблағлари (сармояси) бўлиши лозим;<br>б) ваколатли орган томонидан белгиланган дастурий-техник комплексга қўйиладиган талабларнинг дастурий таъминоти ва техник воситалари мувофиқлиги ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва фонд биржалари билан ўзаро электрон алоқага тайёрлиги;<br>в) хабардор қилувчида қимматли қоғозлар билан операцияларнинг ички ҳисобини юритиш вазифасини бажарувчи камида битта ходимнинг бўлиши ҳамда ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш вазифасини бажарувчи камида битта ходим (назоратчи) бўлиши;*<br>г) қуйидаги шахслар хабардор қилувчининг раҳбари бўлиши мумкин эмас:*<br>молия-иқтисод, юридик, математика ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан камида биттаси бўйича олий маълумотли бўлмаган шахслар;<br>қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёки кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларидаги ишда камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган шахслар;<br>иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар;<br>юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса, якка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажарган ёки коллегиал ижро этувчи орган таркибига кирган шахслар;<br>д) хабардор қилувчининг мутахассислари, мансабдор шахслари ва назоратчисининг ваколатли орган томонидан тасдиқланган малака талабларига мувофиқлиги;<br>е) ўзининг дастурий воситаси мавжуд бўлган тақдирда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган гувоҳноманинг мавжудлиги. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
6-илова

**Мактабдан ташқари таълим фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Мактабдан ташқари таълим фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Нодавлат мактабдан ташқари таълим, шу жумладан, чет тилларини ўргатиш фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | *Якка тартибдаги тадбиркор учун:*<br>а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) яшаш манзили;<br>в) мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>*Юридик шахс учун:*<br>д) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>е) почта ва электрон почта манзили;<br>ё) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>ж) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>*Якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс учун:*<br>з) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзил(лар)и, кадастр рақами), фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчилар бундан мустасно;<br>и) таълим йўналишлари, курслар ва касблар рўйхати;<br>й) педагог кадрлар (шу жумладан хорижий ўқитувчилар) ҳақида маълумот:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлган тақдирда);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>телефон рақами;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси; |

| | | |
|---|---|---|
| | | чет тилларга ўқитган ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган билимлар даражаси ва чет тилини билиш ва эгаллаб олганлик даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги малака сертификатининг рақами ва санаси ёки етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатлари PDF нусхаси (IELTS, CEFR, TOEFL IBT);<br>к) ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари;<br>л) давлат ёнғин назорати органлари томонидан мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосанинг санаси ва рақами, фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчилар бундан мустасно;<br>м) санитария-эпидемиология хизмати органининг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлик тўғрисидаги хулосасининг санаси ва рақами, фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчилар бундан мустасно. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат персоналлаштириш маркази;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) ўқув режаси ва дастури Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиши;<br>б) таълим фаолияти юритиладиган бинога (хоналарга) мулкий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлиги (ушбу талаб фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчиларга нисбатан татбиқ этилмайди);<br>в) ҳар бир тўгарак раҳбари ўқув қўлланма билан таъминланганлиги;<br>г) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ахборот тизимига қуйидаги маълумотлар тўғри ва ишончли киритилишини таъминлаш:<br>таълим ташкилоти тўғрисида;<br>таълим олувчилар тўғрисида;<br>педагог ходимлар, тўгарак раҳбарлари, тренерлар тўғрисида;<br>таълим жараёни тўғрисида;<br>д) таълим олувчилар билан ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилиши;*<br>е) таълим олувчиларнинг минимал ва максимал сони:<br>индивидуал (якка) тарзда;<br>тўгаракда – 40 нафаргача;<br>ё) педагог ходимларнинг илмий салоҳияти даражаси:<br>олий маълумотли – 50%;<br>ўрта махсус маълумотли – 40%; |

| | | |
|---|---|---|
| | | ўрта маълумотли – 10%.<br>ж) таълим ташкилотининг ҳудуди:<br>девор ёки панжара билан ўралганлиги;<br>тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги;<br>ичимлик сув ва канализация билан таъминланганлиги.<br>з) таълим ташкилотидаги хоналар учун ажратиладиган минимал майдон ўлчами:<br>дарс машғулотлари учун:<br>тўгарак машғулотлари хонаси – 15 м$^2$;<br>устахона – 30 м$^2$ (агар мавжуд бўлса);<br>студия ва индивидуал машғулотлар хонаси умумий майдони – 20 м$^2$ (агар мавжуд бўлса);<br>умумназарий ва умумтаълим лаборатория хоналари – 25 м$^2$ (агар мавжуд бўлса);<br>и) ўқув аудиторияларида таълим фаолияти учун яратилган шароитларга қўйиладиган минимал талаблар:<br>электрон ёки оддий доска – 1 дона;<br>проектор – 1 дона;<br>аудиториянинг ёритилиш даражаси – 400 люкс;<br>й) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врачининг 2013 йил 23 январдаги 0307-13-сон Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари билан тасдиқланган Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг қурилмалари ва таъминотига қўйиладиган гигиеник талабларга мувофиқ бўлиши;<br>к) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врачининг 2009 йил 4 июндаги 0266-09-сон Ногиронлар ва аҳолининг имконияти чекланган катта ёшдаги ва болалар гуруҳлари томонидан фойдаланиладиган турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш ва қуришнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши;<br>л) мактабдан ташқари таълим бўйича таълим олганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилиши;<br>м) чет тилларга ўқитган ҳолларда, педагог кадрларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган билимлар даражаси ва чет тилини билиш ва эгаллаб олганлик даражаси тўғрисида давлат намунасидаги малака сертификати ёки етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификати (IELTS, CEFR, TOEFL IBT) мавжуд бўлиши.* |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
7-илова

**Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзил(лар)и, кадастр рақами), фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчилар бундан мустасно;<br>е) таълим йўналишлари, курслар ва касблар рўйхати;<br>ё) педагог кадрлар ҳақида маълумот:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>яшаш жойининг манзили;<br>телефон рақами;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси;<br>ж) ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари;<br>з) давлат ёнғин назорати органлари томонидан мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосанинг санаси ва рақами, фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчилар бундан мустасно; |

| | | |
|---|---|---|
| | | и) санитария-эпидемиология хизмати органининг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлик тўғрисидаги хулосасининг санаси ва рақами, фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчилар бундан мустасно. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат персоналлаштириш маркази;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва дастурининг мавжудлиги;<br>б) таълим фаолияти юритиладиган бинога (хоналарга) мулк ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлиги (ушбу талаб фақат масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчиларга нисбатан татбиқ этилмайди);<br>в) қуйидаги ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ҳамда ахборот-ресурс базаси билан таъминланганлиги:<br>таълим олувчиларнинг фанлар кесимида ўқув адабиётлари (ўқув қўлланмалари) билан таъминланганлиги – ҳар 2 нафар таълим олувчига 1 тўплам;<br>таълим олувчиларнинг тавсиявий хусусиятга эга ўқув адабиётлари (ўқув-методик қўлланмалар) билан таъминланганлиги – ҳар 6 нафар таълим олувчига 1 тўплам;<br>электрон дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан таъминланганлиги – ҳар бир таълим олувчиларга;<br>ҳар бир ўқитувчига ўқув қўлланмаси ва қўшимча адабиётлар;<br>г) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ахборот тизимига қуйидаги маълумотларни тўғри ва ишончли киритилишини таъминлаш:<br>таълим ташкилоти тўғрисида;<br>таълим олувчилар тўғрисида;<br>педагог ходимлар тўғрисида;<br>таълим жараёни тўғрисида;<br>д) таълим олувчилар билан ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилиши;*<br>е) таълим олувчиларнинг минимал ва максимал сони:<br>индивидуал (якка) тарзда;<br>кичик гуруҳда – 20 нафаргача;<br>катта гуруҳда – 30 нафаргача;<br>ё) ўқитувчиларнинг илмий салоҳият даражаси:<br>институт шакли учун: |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



| | | |
|---|---|---|
| | | илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган ўқитувчиларнинг минимал улуши – 50%;<br>олий маълумотли ўқитувчиларнинг минимал улуши – 50%;<br>факультет (бўлим, марказ) шакли учун:<br>илмий даражага ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган ўқитувчиларнинг минимал улуши – 40%;<br>олий маълумотли ўқитувчиларнинг минимал улуши – 60%;<br>курс шакли учун ўқитувчиларнинг таянч маълумоти (мутахассислиги, ихтисослиги) улар машғулот олиб борадиган модулларга мувофиқ бўлиши;<br>ж) асосий штатдаги ўқитувчилар улуши – 15%;<br>з) фаолият амалга ошириладиган жойнинг девор ёки панжара билан ўралганлиги;<br>тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги;<br>ичимлик суви ва канализация билан таъминланганлиги;<br>и) таълим ташкилотидаги хоналар ҳамда ҳар бир таълим олувчи ёки ходимлар учун ажратиладиган минимал майдон ўлчами:<br>дарс машғулотлари учун:<br>ўқув аудиториялари – 20 м$^2$;<br>умумназарий ва умумтаълим лаборатория хоналари – 25 м$^2$;<br>техник ва махсус лабораториялар – 30 м$^2$;<br>алоҳида кабиналарга ажратилган фонозаллар – 12 м$^2$;<br>й) ўқув аудиторияларида таълим фаолияти учун яратилган шароитларга қўйиладиган минимал талаблар:<br>электрон ёки оддий доска – 1 дона;<br>проектор – 1 дона;<br>аудиториянинг ёритилиш даражаси – 400 люкс;<br>к) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врачининг 2016 йил 6 майдаги 0330-16-сон Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари билан тасдиқланган Олий ўқув юртларини лойиҳалаштириш, қуриш, жиҳозлаш ва улардан фойдаланишга қўйиладиган гигиеник талабларга мувофиқ бўлиши;<br>л) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врачининг 2009 йил 4 июндаги 0266-09-сон Ногиронлар ва аҳолининг имконияти чекланган катта ёшдаги ва болалар гуруҳлари томонидан фойдаланиладиган турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш ва қуришнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши;<br>м) қайта тайёрлаш бўйича таълим олганлик тўғрисидаги диплом ҳамда малака ошириш бўйича таълим олганлик тўғрисида сертификат берилиши. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
8-илова

**Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисоб варағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзил(лар)и, кадастр рақами);<br>е) ўқитувчи ва амалий бошқарув инструкторлари ҳақида маълумот:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси;<br>қайта тайёрлашдан ўтганлиги тўғрисида диплом (агар мавжуд бўлса);<br>ё) ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари;<br>ж) давлат ёнғин назорати органлари томонидан мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида берилган хулосанинг санаси ва рақами;<br>з) давлат санитария-эпидемиология хизмати органининг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлик тўғрисидаги хулосасининг санаси ва рақами. |

| | | |
|---|---|---|
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат персоналлаштириш маркази;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| 8. | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) таълим жараёнини ташкил этиш учун ўқув режаси ва дастурининг мавжудлиги;<br>б) таълим фаолияти юритиладиган бинога (хоналарга) мулк ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлиги;<br>в) ҳар бир таълим олувчининг ўқув қўлланма ва қўшимча адабиётлар билан таъминланганлиги;<br>г) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ахборот тизимига қуйидаги маълумотлар тўғри ва ишончли киритилишини таъминлаш:*<br>таълим ташкилоти тўғрисида;<br>таълим олувчилар тўғрисида (ҳар янги гуруҳ ташкил этилганда янгилаб борилиши лозим);<br>педагог ходимлар ҳамда ҳайдовчи-йўриқчилар тўғрисида;<br>таълим жараёни тўғрисида;<br>д) таълим олувчилар билан ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилиши;*<br>е) таълим олувчиларнинг максимал сони гуруҳда – 25 нафаргача;<br>ё) педагог ходимларнинг минимал сони:<br>автотранспорт мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга ўқитувчилар сони –25 нафар таълим олувчига 1 штат бирлиги;<br>шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ёки тиббиёт ихтисослиги бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга йўриқчилар (парамедиклар) сони – 1 нафар;<br>ж) таълим ташкилоти ва унинг ҳудуди учун талаблар:<br>тунги ёритгичлар ўрнатилганлиги;<br>ичимлик сув ва канализация билан таъминланганлиги;<br>хожатхона<br>ҳар бири камида 40 м$^2$ майдонга эга бўлган ва битта ҳудудда жойлашган камида иккита хонанинг (аудитория) мавжудлиги;<br>йўл ҳаракати қоидалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги асослари ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича хонанинг мавжудлиги;<br>таълим олувчиларнинг билимларини якуний тест синовларидан ўтказиш учун камида 10 дона компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида хонанинг мавжудлиги; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | з) компьютер техникалари Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлиги ёки ҳудудда Wi-Fi зоналар ташкил этилганлиги;<br>и) ўқув аудиторияларида таълим фаолияти учун яратилган шароитларга қўйиладиган минимал талаблар:<br>ўлчами 1500x1000 мм, 1500x2000 мм ёки 2500x2000 мм бўлган электрон ёки оддий доска – 1 дона;<br>проектор ёки экран ўлчами камида 43 дюйм бўлган телевизор – 1 дона;<br>аудиториянинг ёритилиш даражаси – 400 люкс;<br>й) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врачининг 2009 йил 4 июндаги 0266-09-сон Ногиронлар ва аҳолининг имконияти чекланган катта ёшдаги ва болалар гуруҳлари томонидан фойдаланиладиган турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш ва қуришнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши;<br>к) автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малака оширгани тўғрисида сертификат берилиши. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
9-илова

**Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Хабарнома номи:** | Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| 2. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| 4. | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами);<br>е) фаолият билан шуғулланувчи шахснинг (раҳбарнинг) тегишли йўналиш бўйича олий маълумотга, “муҳандислик” йўналиши бўйича камида уч йил иш стажи ва махсус тайёргарликка эга бўлганлиги тўғрисида маълумотлар:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт рақами, серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>телефон рақами;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси;<br>ишлар раҳбарининг тегишли ихтисослик бўйича махсус тайёргарликдан ўтгани ёки малака оширганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификат, гувоҳнома ва бошқа) PDF ёки JPEG форматдаги нусхаси;<br>ё) фаолият билан шуғулланувчи иш бажарувчиларнинг маълумоти:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт рақами, серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | телефон рақами;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси<br>иш бажарувчиларнинг тегишли ихтисослик бўйича махсус тайёргарликдан ўтгани ёки малака оширганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификат, гувоҳнома ва бошқа) PDF ёки JPEG форматдаги нусхаси (камида 2 нафар ходимнинг маълумотлари киритилади). |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) юридик шахснинг доимий штатида электроника ва асбобсозлик, информатика ва ахборот технологиялари ва электротехника соҳасида “муҳандислик” йўналиши бўйича олий маълумотга, шунингдек, ушбу йўналишлар бўйича камида уч йил иш стажига ҳамда ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган ишлар раҳбарининг мавжуд бўлиши;<br>б) ишлар раҳбари тегишли ихтисослик бўйича ҳар тўрт йилда камида бир маротаба махсус тайёргарликдан ўтиб малакасини ошириши ва буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатга эга бўлиши;<br>в) ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш юзасидан топширилган объектлар ҳисобини (реестрини) олиб бориш ва уларни ишлатишнинг бутун даврида лойиҳаларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг (ёки уларнинг нусхаларининг) сақланишини таъминлаши;*<br>г) иш бажарувчилар қуйидаги тегишли малака, касб-ҳунар, техник маълумот(га) ёки йўналиш бўйича махсус курсларни тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлишлари шарт**:<br>ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича – қўлда электр пайвандловчи (газ билан пайвандловчи) ёки санитария-техник ускуналарни монтаж қилувчи 4-разряддан паст бўлмаслиги;<br>ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича – электроника ва электротехника соҳасида 3-разряддан паст бўлмаслиги;<br>д) юридик шахс доимий штатида бўлган ёки айрим ишларни бажариш учун ўзаро шартнома тузиш орқали жалб этилаётган субпудрат ташкилоти мутахассиснинг тегишли |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | касб-ҳунар ёки техник маълумоти ва малакаси бўйича разрядини кўрсатиб ўтиши;<br>е) хабардор қилиш тартибидаги фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши:**<br>комбинациялаштирилган прибор (қурилма маркаси кўрсатилсин).<br>мегомметр (қурилма маркаси кўрсатилсин);<br>шумомер (қурилма маркаси кўрсатилсин);<br>электр кавшарлагич (электропаяльник);<br>электр перфоратор;<br>электр пирмадаста (электродрел);<br>чилангар асбоблари тўплами;<br>электр монтаж асбоблари тўплами;<br>монтаж қилувчининг каскаси;<br>монтаж қилувчининг белбоғи;<br>нарвон;<br>икки ёққа очиладиган нарвон;<br>компрессор (ёнғинни автоматик тарзда ўчириш фаолияти учун татбиқ этилади);<br>лойиҳа-смета ҳужжатларини сақлаш учун сейф;<br>20 кв.м.дан кам бўлмаган хизмат хонаси;<br>20 кв.м.дан кам бўлмаган асбоб-ускуналарни ва техник воситаларни сақлаш учун хона ёки махсус ажратилган жой.<br>Бунда ўлчаш воситалари метрологик текширув (қиёслаш) натижалари бўйича мувофиқлик сертификатига эга бўлиши ҳамда ушбу сертификат муддатлари амалда бўлиши лозим;<br>ё) хабардор қилувчи томонидан ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти тури билан шуғулланишда, хабардор қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига, норматив ҳужжатлар ва стандартлар талабларига риоя этиши ва қуйидаги техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши:<br>РДПБ 01-001:2007 “Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари. Ўрнатиш талаблари. Ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари”;<br>РДПБ 01-002:2007 “Ёнғиндан дарак бериш қурилмалари. Ўрнатиш талаблари. Ишларни бажариш ва қабул қилиш қоидалари”;<br>РДПБ 01-003:2008 “Ёнғин автоматикаси қурилмалари. Техник хизмат кўрсатиш ва режали- огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари”;<br>РДПБ 01-004:2010 “Ёнғин ўчириш қурилмасининг, ёнғин ва қўриқлаш хабар жойларининг график шартли белгиланиши”;<br>ШНК 2.04.09-2007 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси”;<br>ж) ишларни бажариш вақтида ишлатиладиган маҳсулотлар ва материаллар лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ ҳамда тегишли сертификатларга ва техник паспортларга эга бўлиши; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | з) хабардор қилувчи томонидан объектларда ўрнатилган ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, ёнғин сигнализация қурилмалари тўғрисидаги ахборотларнинг, шунингдек, объектни қўриқлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тизими тўғрисида хабардор қилиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида маълум бўлиб қолган бошқа маълумотларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг кўрилиши;<br>и) қурилмаларни монтаж қилиш жараёнида буюртмачи ва Давлат ёнғин назорати органлари билан келишмасдан, лойиҳавий ечимлар ёки кўрик далолатномасидан четга чиқиш ман этилади;<br>й) ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ва ёнғин сигнализацияси қурилмаларининг техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари жараёнида ушбу соҳада мавжуд бўлган кўрсатма ва норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этиш, шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳужжатларини тузиш ва олиб бориш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.*<br>*** Монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчилар, юридик шахснинг доимий штатда бўлиши, шу жумладан, ўзаро шартнома тузган ҳолда мутахассисларни ёки субпудрат ташкилотларини жалб этиши мумкин.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
10-илова

**Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятининг**
# ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти ёки унинг бир қисми |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган:** | Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами);<br>е) фаолият билан шуғулланувчи шахснинг (раҳбарнинг) электроника ва электротехника соҳасида “муҳандислик” йўналиши бўйича олий маълумотга шунингдек тегишли ихтисослик, сигнализация қурилмаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича камида уч йил иш стажи ва махсус тайёргарликка эга бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>телефон рақами;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси;<br>сертификатлар ва малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса PDF форматда юкланади);<br>ё) фаолият билан шуғулланувчи иш бажарувчиларнинг маълумоти:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР; |

| | | |
|---|---|---|
| | | телефон рақами;<br>маълумот тўғрисидаги диплом ёки хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси;<br>сертификатлар ва малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса PDF форматда юкланади). |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари:** | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) юридик шахснинг доимий штатида электроника ва электротехника соҳасида “муҳандислик” йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган ишлар раҳбарининг мавжуд бўлиши;<br>б) монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчилар, юридик шахс доимий штатда бўлиши, шу жумладан, ўзаро шартнома тузган ҳолда мутахассисларни ёки субпудрат ташкилотларни жалб этиши мумкин;<br>в) ишлар раҳбарининг тегишли ихтисослик бўйича ҳар тўрт йилда камида бир маротаба махсус тайёргарликдан ўтиб малакасини ошириш;<br>г) иш бажарувчилар қуйидаги тегишли касб-ҳунар, техник маълумотга ёки йўналиш бўйича махсус курслар сертификатига эга бўлишлари шарт:<br>қўлда электр пайвандловчи (газ билан пайвандловчи) ёки санитария-техник ускуналарни монтаж қилувчи 4-разряддан паст бўлмаган;<br>электроника ва электротехника соҳасида 3-разряддан паст бўлмаган;<br>д) юридик шахс доимий штатида бўлган ёки айрим ишларни бажариш учун ўзаро шартнома тузиш орқали жалб этилаётган субпудрат ташкилот мутахассисининг тегишли касб-ҳунар ёки техник маълумоти ва малакаси бўйича разрядини кўрсатиб ўтиши;<br>е) хабардор қилувчида хабардор этиш фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши:<br>комбинациялаштирилган прибор (қурилма маркаси кўрсатилсин);<br>мегомметр (қурилма маркаси кўрсатилсин);<br>шумомер (қурилма маркаси кўрсатилсин);<br>электр кавшарлагич (электропаяльник);<br>электр перфоратор;<br>электр пирмадаста (электродрел);<br>чилангар асбоблари тўплами;<br>электр монтаж асбоблари тўплами;<br>монтаж қилувчининг каскаси; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



| | | |
|---|---|---|
| | | монтаж қилувчининг белбоғи;<br>нарвон;<br>лойиҳа смета ҳужжатларини сақлаш учун сейф;<br>20 кв.м.дан кам бўлмаган хизмат хонаси;<br>20 кв.м.дан кам бўлмаган асбоб-ускуналарни ва техник воситаларни сақлаш учун хона ёки махсус ажратилган жой.<br>Бунда ўлчаш воситалари метрологик текширув (қиёслаш) натижалари бўйича мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши ҳамда ушбу сертификат муддатлари амалда бўлиши;<br>ё) қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти тури билан шуғулланишда хабардор қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига, стандартлар талабларига риоя этиши ва қуйидаги техник ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши:<br>РДПБ 01-004:2010 “Ёнғин ўчириш қурилмасининг, ёнғин ва қўриқлаш хабаргохларининг график шартли белгиланиши”;<br>ШНК 2.04.09-2007 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси” ва бошқа шу соҳадаги норматив ҳужжатлар;<br>ж) қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш юзасидан топширилган объектларни ҳисобини (реестрини) олиб бориш ва уларни ишлатишнинг бутун даврида лойиҳаларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг (ёки уларнинг нусхаларининг) сақланишини таъминлаш;*<br>з) ишларни бажариш вақтида ишлатиладиган маҳсулотлар ва материаллар лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлиши ва тегишли сертификатларга, техник паспортларга ва уларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларига эга бўлиши;<br>и) объектларда ўрнатилган қўриқлаш техник воситалари ва тизимлари тўғрисидаги ахборотларнинг, шунингдек, объектда ишларни бажариш жараёнида маълум бўлиб қолган бошқа маълумотларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг кўрилиши зарур;<br>й) қурилмаларни монтаж қилиш жараёнида буюртмачи ва қўриқлаш бўлинмалари билан келишмасдан лойиҳавий ечимлар ёки кўрик далолатномасидан четга чиқиш ман этилади;<br>к) қўриқлаш техник воситалари ва тизимларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари жараёнида ушбу соҳада мавжуд бўлган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиш, шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳужжатларини тузиш ва олиб бориш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
11-илова

**Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш фаолиятининг**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили ва кадастр рақами. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) таълим, спорт ва диний муассасалар ҳудудларида, жамоат транспорти бекатларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ошхоналарида жойлашмаган бўлиши;*<br>б) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал касса ва банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланган бўлиши;*<br>в) электрон ҳисоб-фактурадан мажбурий тартибда фойдаланиши шарт;<br>г) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги 302-сон Қонуни |

| | | |
|---|---|---|
| | | ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари талабларига қатъий риоя қилиш;<br>д) алкоголь маҳсулотлари сотиладиган жойларда уларнинг йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек алкоголь маҳсулотларининг инсон соғлиғига зарарли таъсири тўғрисида огоҳлантирувчи ёзувлар жойлаштирилган бўлиши;*<br>е) алкоголь маҳсулотларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархлардан паст нархларда сотмаслик;<br>ё) белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркаланган (пиводан ташқари) алкоголь маҳсулотлари сотиш.* |
| **10.** | **Изоҳ:** | Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарнома ҳар бир савдо объекти учун алоҳида юборилади.<br>Алоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун йиғим алкоголь маҳсулотларини сотиш бошланганлиги тўғрисида хабарнома юборилган вақтдан бошлаб тўланади. Бунда хабарнома ойнинг йигирманчи санасигача юборилганда йиғим жорий ой учун тўлиқ ҳажмда, хабарнома ойнинг йигирманчи санасидан кейин юборилганда кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ҳисобланади.<br>Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини сотиш тўхтатилганда ёки тугатилганда, йиғим ҳисобланиши кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади.<br>Алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда олдиндан тўлов шаклида жорий ойнинг ўнинчи санасига қадар тўланиши лозим.<br>* *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
12-илова

**Автомототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг бир қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Автомототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг бир қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Автомототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолият |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | *Якка тартибдаги тадбиркорлар учун:*<br>а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) яшаш манзили ҳамда электрон почта манзили;<br>в) мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолиятни амалга ошириш манзил(лар)и;<br>е) автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш фаолиятининг тури;<br>*Юридик шахслар учун:*<br>ё) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>ж) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>з) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>и) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>й) фаолият амалга ошириладиган жой манзил(лар)и;<br>к) автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлаш фаолиятининг тури;<br>*Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун:*<br>л) ташкилот стандартининг (Ts) электрон нусхаси;<br>м) намуналарнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган қабул-синов далолатномаси рақами ва санаси; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | н) автортранспорт воситаларига газ баллони жиҳозларини ўрнатиш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти автотранспорт воситасининг алоҳида моделлари конструкциясининг техник лойиҳаси электрон нусхаси;<br>о) Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан берилган баллонларни техник шаҳодат синовидан ўтказиш ҳуқуқини берувчи рухсатноманинг рақами ва санаси;<br>п) Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан берилган газ баллони ускуналари уланмаларининг герметиклиги ва ишончлилигини синовдан ўтказиш бўйича лабораториянинг аккредитация гувоҳномасининг рақами ва санаси. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Давлат солиқ қўмитаси;<br>Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги;<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) ташкилот стандарти (Ts) талабларига, экология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мажбурий риоя қилиш;<br>б) тегишли ҳаракатни ва (ёки) белгиланган фаолиятни бажариш ёки амалга ошириш учун ишлаб чиқариш-техник базанинг (бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари, технологик жиҳозлар, тайёргарликдан ўтган ходимлар) мавжуд бўлиши;<br>в) ёнғин хавфсизлигига, автотранспорт воситасининг сақланишига, техника хавфсизлигига риоя қилишга оид талабларни бажариш;*<br>г) фақат тегишли ҳужжатлари (эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, тақдим этилган автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки автомототранспорт воситаси мазкур шахсга тегишли эканлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) мавжуд бўлган автомототранспорт воситаси эгаларига хизмат кўрсатиш;*<br>д) хабарнома юборишда кўрсатилган доирада тегишли ҳаракатни бажариш ва (ёки) белгиланган фаолиятни амалга ошириш;<br>е) фаолиятни амалга оширишда саноат хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
13-илова

**Автовокзал (автостанция) фаолиятининг**
## ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Автовокзалнинг (автостанциянинг) фаолиятини бошлаганлиги ёки тугатганлиги ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Автовокзалнинг (автостанциянинг) фаолиятини амалга ошириш |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарнома қабул қилувчи орган:** | Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>е) фаолият амалга ошириладиган жой манзили ва кадастр рақами;<br>ё) фаолият тоифасига оид қуйидаги маълумотлар:<br>бир вақтнинг ўзида йўловчи сиғими;<br>бир суткадаги жўнатишлар сони;<br>йўловчилар учун кутиш зали сиғими;<br>санитария-гигиена хоналари сони;<br>чиптахоналар (кассалар) сони.<br>турғун металл детекторлар сони;<br>қўл металл детекторлар сони;<br>видеокузатув камералари сони.<br>*Халқаро йўналишларда йўловчиларни ташишга хизмат кўрсатишда қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*<br>ж) ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга масъул бўлган ходим тўғрисида маълумот:<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>дипломи рақами ва санаси.<br>з) автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини кўрикдан ўтказишга масъул бўлган шахс тўғрисида маълумот: |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



| | | |
|---|---|---|
| | | паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>диплом рақами ва санаси. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари:** | Ички ишлар вазирлиги;<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат статистика қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги. |
| **8.** | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) хабарномада назарда тутилган йўловчиларнинг айнан бир вақтдаги сиғими, автотранспорт воситаларини бир суткада жўнаб кетиши сонини таъминлаш;<br>б) автовокзал (автостанция)нинг биносида қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши:<br>ҳайдовчилар узоқ вақт дам олиш хонаси;<br>она ва бола хонаси;<br>ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳонаси *(халқаро йўналишларда йўловчиларни ташишга хизмат кўрсатишда)*;*<br>санитария-гигиена ва маданий-маиший хона;<br>чиптахоналар (кассалар);<br>в) йўловчилар учун кутиш залларида, чипта кассаларида ҳамда йўловчилар кўп тўпланадиган бошқа жойларда видеокузатув камераларининг ўрнатилганлиги, автовокзал (автостанция) периметри бўйича тўсиқларнинг, автовокзал (автостанция)га кириш-чиқиш жойларида шлагбаумларнинг мавжудлиги;<br>г) автовокзалга кириш жойларида йўловчиларни ва уларнинг багажини текшириш учун турғун металл детекторлар билан жиҳозланган текшириш постларининг мавжудлиги.<br>д) халқаро йўналишларда йўловчиларни ташишга хизмат кўрсатишда рейсга чиқишдан олдин автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриги бўйича талабларни бажариш.* |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
14-илова

**Ноширлик фаолиятининг**
# ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Ноширлик фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) ижтимоий-сиёсий нашрлар – ижтимоий-сиёсий мавзулар, ташвиқот ва тарғибот хусусиятига эга бўлган асарни ўз ичига олган ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган нашр;<br>б) адабий-бадиий нашрлар – бадиий адабиётлар муаллиф томонидан уйлаб топилган сюжет ва қаҳрамонларга эга бўлган барча асарларни назарда тутади. Бадиий адабиёт романлар, қиссалар, ҳикоялар, новеллалар, пьесалар, адабий тўпламлар, антологиялар, альманахлар;<br>в) болалар ва ўсмирлар нашрлари – болалар ва ёшлар учун мўлжалланган бадиий адабиётлар, ёш ва ўрта ёшли болалар ва ўсмирлар учун ёзилган асарлар, шунингдек, мумтоз адабиёт асарларини қайта ишлаш ва қисқартиришни ўз ичига олган нашрлар;<br>г) маънавий-маърифий нашрлар – инсоннинг баркамол шахс сифатида вояга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қиладиган муайян ижтимоий муҳит, жамият ва тузумлар, давлатлар уларнинг тараққиёт босқичлари, бошқарув услублари, ижтимоий ахлоқ меъёрларини тадқиқ ва тарғиб этишга, асослашга йўналтирилган асарлар мажмуи;<br>д) илмий нашрлар – илмий тадқиқотлар ёки назарий умумлашмалар натижасида яратилган ва энг янги илмий ютуқлар, тадқиқотларнинг бориши ҳамда натижалари ҳақида мутахассисларга маълумот бериш мақсадида тарқатиладиган ёзма ва босма асарлар мажмуи (илмий фундаментал тадқиқотлар, илмий асарлар, монографиялар, диссертациялар, рефератлар);<br>е) илмий-оммабоп нашрлар – адабиёт, илм-фан ва илмий кашфиётларни кенг омма учун қулай бўлган тилда тасвирлайдиган китоблар мажмуи;<br>ё) ўқув адабиётларини нашр этиш – муайян таълим тизими учун ўқитиш ёки кадрларни қайта тайёрлаш, муайян таълим муассасаси учун ёки ўз-ўзини тарбиялаш воситаси сифатида яратилган адабиётлар (ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услубий қўлланмалар, кўргазмали қўлланмалар, хрестоматиялар, мисол-масалалар тўпламлари, практикумлар, иш дафтарлари, ўқув дастурлари);<br>ж) энциклопедик (маълумотнома) нашрлар – турли хил ахборотларни (илмий, амалий ва бошқалар) олишга мўлжалланган нашрлар. Илмий ёки амалий хусусиятга эга бўлган қисқача маълумотларни ўз ичига олган, тезкор қидириш учун қулай тартибда жойлаштирилган ва узлуксиз ўқиш учун мўлжалланмаган нашр; |

| | | |
|---|---|---|
| | | з) расмий нашрлар – норматив ёки кўрсатма тариқасидаги материалларни ўз ичига олган ва давлат органлари, муассасалар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари номидан эълон қилинган нашрлар (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар);<br>и) диний нашрлар – маълум бир диннинг фалсафаси, тарихи ҳақидаги ва унинг ахлоқий таълимотларга мос келадиган ақидавий (каноник) адабиётлар, ақидавий матнлардаги сюжетлар ва тимсоллар асосида яратилган турли жанр ва йўналишлардаги нашрлар;<br>й) ахборот-реклама нашрлари – буклетлар, йўл кўрсаткичлари, реклама материалларидан иборат бўлиб, маҳсулот, хизмат ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, уларга талабни яратиш учун эътиборни жалб қиладиган нашрлар;<br>к) ишлаб чиқариш соҳасидаги нормативларни нашр этиш – ишлаб чиқариш фаолиятининг турли соҳаларида қоидалар ва талабларни ўз ичига олган (йўриқномалар, стандартлар, техник регламентлар, уставлар, прейскурантлар) расмий нашрлар. |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| 4. | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта (ҳамда электрон почта) манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари);<br>е) ноширлик фаолияти ихтисослашуви;<br>ё) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>ж) масъул муҳаррирнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>маълумоти тўғрисидаги диплом рақами, санаси ва мутахассислиги;<br>з) моддий-техник ускуналар ҳақида маълумот (тури ва сони). |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот** | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат персоналлаштириш маркази. |

| | | |
|---|---|---|
| | **тизимлари (маълумотлари):** | |
| 8. | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а)ноширлик фаолиятини фақат хабарномада белгиланган ихтисослик бўйича амалга ошириш;<br>б) адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясининг талабларига қатъий амал қилиш;<br>в) уруш, зўравонлик, порнография, терроризм, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда мавжуд конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитликни зўрлик билан ўзгартиришга, мамлакатда хавфсизликни ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асосларини, фуқаролар тотувлигини, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни бузишга даъват қилишга қаратилган, шунингдек Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатиш ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини бузиб кўрсатиш учун фойдаланилишини кўзловчи матбаа маҳсулотларини нашр этишга ҳамда қонунчиликда тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўймасликни таъминлаш;*<br>г) давлат сири бўлган маълумотлар ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларнинг ошкор бўлишига йўл қўйилмаслик;*<br>д) нашр учун тақдим этилган босма маҳсулотларда фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етишига, шахсий ҳаётига аралашувга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;<br>е) ихтисослик бўйича илмий, адабий-бадиий, илмий-оммабоп, болалар адабиётлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланмалар, таржима асарлари, тиббиёт соҳасига оид адабиётлар соҳасига оид нашрлар, луғатларни чоп этишда мутасадди вазирлик, идора ва Илмий кенгашларнинг тавсияси, соҳага оид етакчи олим ва мутахассисларнинг тақризлари олинишини таъминлаш;<br>ё) диний мазмундаги нашрларни (китоб, рисола, брошюра, тақвим, қўлланма ва бошқалар) чоп этилишида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хулосаси олинишига қатъи риоя этилишини таъминлаш;*<br>ж) ноширлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжуд бўлишини таъминлаш;<br>з) муаллифлик ҳуқуқлари бузилмаслигини таъминлаш;<br>и) тайёрланган матбаа маҳсулот (жумладан, мазкур маҳсулот таркибига кирган асар)ларининг нусхалари, тайёрланган нусхалар сони, шунингдек, хабардор этувчи ёки буюртмачининг нашр этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобини юритиш;<br>й) ҳар чоракда нашр этилган (ҳамда этиладиган) адабиётлар тўғрисида (ҳар бир нашрнинг муаллифи, номи, мавзуси (ихтисослашуви), жанри, нусхаси кўрсатилган |

| | | |
|---|---|---|
| | | ҳолда) ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунигача Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига тегишли маълумотнома тақдим этиш;<br>к) қонунчиликка асосан босма маҳсулотларнинг мажбурий, бепул нусхаларини белгиланган қоидага мувофиқ юбориш талабларига қатъий риоя этиш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | Ушбу талаблар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, прокуратура органлари томонидан расмий материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари ва бошқа ҳужжатларни нашр этишга, республика аҳамиятига эга бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, ўқув ва илмий муассасалар томонидан ўз фаолияти учун зарур бўлган ва қўлёзма ҳуқуқлари билан оммавий равишда тарқатиш ёки кўпайтириш учун мўлжалланмаган материалларни нашр этишга нисбатан татбиқ этилмайди.<br>** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
15-илова

**Матбаа фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Матбаа корхоналарини ташкил этганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) матбаа маҳсулотларининг қолипларини тайёрлаш – чоп этишгача бўлган жараён бўлиб, матн ва тасвирлар асосида офсет, трафарет ёки шойитрафарет, флексо, юқори босма, чуқур босма, термо босма ва чуқур босма усулларида чоп этиш учун босма қолипларни тайёрлаш;<br>б) офсет усулида чоп этиш – матбаа фаолиятида асосан кўп ададли (тираж) матбаа маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланиладиган жараён бўлиб, матн ва тасвирларни фото қолиплардан қоғозга ўтказиб чоп этиш усули;<br>в) флексо усулида чоп этиш – фотополимер хомашё ёки юмшоқ резинадан рельефли чоп этиш қолипи ва суюқ бўёқлар билан чоп этиш усули бўлиб, қоғоз, полиэтилен ва шу турдаги бошқа материалларга матн ва тасвирларни тушириш жараёни;<br>г) матбаа қолипларсиз чоп этиш – рақамли чоп этиш технологиялари ёрдамида матн ва тасвирларни қоғоз, полиэтилен ва бошқа материалларга чоп этиш усули;<br>д) трафарет ёки шойитрафарет усулида чоп этиш – фотомеханик усулда ёки қўлда тайёрланган трафаретдан турли материалларга ёки тайёр саноат маҳсулотларига матн ёки тасвирлар аксини тушириш;<br>е) брайл усулида чоп этиш – олти нуқта комбинациясига асосланган бўртма нуқта ҳамда бўртма рельеф асосида кўзи ожизлар учун матн ва тасвирларни чоп этиш усули;<br>ё) тайёр маҳсулотлар ва материалларга босиш – тайёр саноат маҳсулотлари ва материалларга матн ва тасвирни қиздириш ёки эластик босма элемент орқали босиш;<br>ж) чоп этишдан кейинги жараёнлар ва муқовалаш – буклаш ва саралаш, тикиш, кесиш ва шакл бериб кесиш, елимлаш, ламинациялаш, лаклаш, муқовани тайёрлаш, муқовалаш ва бошқа жараёнлар. |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | *Якка тартибдаги тадбиркорлар учун:*<br>а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) фаолиятини амалга ошириш жойи (манзили); |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



| | | |
|---|---|---|
| | | в) яшаш манзили ва электрон почта манзили;<br>г) мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>е) фаолият олиб борилаётган манзилнинг мулк ҳуқуқи ёки ижара асосида фаолият юритаётганлиги тўғрисида маълумот (кадастр рақами);<br>ё) матбаа корхонаси ихтисослашуви;<br>ж) корхонада мавжуд бўлган ускуналар рўйхати.<br>*Юридик шахслар учун:*<br>з) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>и) почта (ҳамда электрон почта) манзили;<br>й) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>к) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>л) фаолият олиб борилаётган манзилнинг мулк ҳуқуқи ёки ижара асосида фаолият юритаётганлиги тўғрисида маълумот (кадастр рақами);<br>м) матбаа корхонаси ихтисослашуви;<br>н) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>о) корхонада мавжуд бўлган ускуналар рўйхати. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат персоналлаштириш маркази. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва норматив ҳужжатлари, амалдаги меъёр ва қоидалар, давлат ёки соҳалараро стандартлар асосида матбаа фаолияти турлари билан шуғулланиш ёки матбаа маҳсулотларини тайёрлаш;<br>б)ноширлик фаолиятини амалга ошириш буйича ва гувоҳнома асосида чоп этиладиган маҳсулотларни, газета, журнал ва бошқа оммавий ахборот воситаларини чоп этишда тегишли ҳужжатларнинг нусхасини талаб қилиш (нашриёт грифи, ОАВ рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома);<br>в) назорат қилувчи органларнинг тақдимномаларини белгиланган муддатларда бажариш;<br>г) қонунчиликда белгиланган талаблар асосида техник ускуналар ўрнатилган жойларга бегона шахслар киришини тақиқлаш ва фаолиятни ташкил қилиш жараёнларига аралашувнинг олдини олиш;<br>д) босма (китоб, журнал, газета, брошюра ва мажбурий бепул тарқатилиши лозим бўлган бошқа маҳсулотлар) маҳсулотларнинг мажбурий бепул нусхаларини белгиланган тартибда ўз вақтида юборилишини таъминлаш. |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| **10.** | **Изоҳ:** | Ушбу хабарномани юбориш нусха кўчириш, дизайнерлик ва фотостудия хизмати, матн териш, оригинал макет тайёрлаш фаолиятларига нисбатан талаб этилмайди. |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
16-илова

**Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг professional иштирокчилари фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Хабарнома номи:** | Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| 2. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизмат вазифаларини амалга ошириш;<br>б) меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш;<br>в) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;<br>г) ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида аудит ўтказиш. |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| 4. | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси *(меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш фаолият тури соҳасида хабарнома юборганда)*. |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | "Лицензия" АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта (ҳамда электрон почта) манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича малакали мутахассис сертификатига эга бўлган ходимлари ҳақида маълумот (Ф.И.О., малака сертификати санаси ва рақами);<br>е) аттестация хизматлари кўрсатмоқчи бўлганда, аккредитация қилинган лаборатория аттестатининг рақами ва санаси (лаборатория бўлганда). |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги. |
| 8. | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малакали хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бевосита хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этувчи ходимлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бериладиган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака сертификатига эга бўлиши |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | керак, ташкилот штатида меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассиси малака сертификатига эга бўлган ходимлар сони уч кишидан кам бўлмаслиги лозим;*<br>б) мулк ҳуқуқи, хўжалик юритуви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа қонуний асосда тегишли бўлган аккредитацияланган ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчашга мўлжалланган аккредитацияланган синов лабораториясига эга бўлиш (аттестация хизматлари кўрсатмоқчи бўлганда);<br>в) аккредитациядан ўтган синов лабораториясида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар мувофиқлик сертификатига эга бўлиши ва белгиланган тартибда метрологик текширувдан (давлат қиёсловидан) ўтказилган бўлиши (аттестация хизматлари кўрсатмоқчи бўлганда);<br>г) иш ўринларида аттестация ўтказилган корхонанинг аттестация материаллари меҳнат органларида давлат экспертизасидан ўтказилиши учун тақдим этилиши (аттестация хизматлари кўрсатмоқчи бўлганда);<br>д) ўқув-тематик режалар ва ўқув дастурлари асосида ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўлиши;<br>е) таълим бериш учун мўлжалланган техник воситалар мавжуд эканлиги. |
| **10.** | **Изоҳ:** | * *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
17-илова

**Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Якка тартибдаги тадбиркор |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Мактабгача таълим вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) фаолиятини амалга ошириш жойи (манзили);<br>в) яшаш манзили ва электрон почта манзили;<br>г) мобил телефон рақами, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>е) фаолият олиб борилаётган манзилнинг мулк ҳуқуқи ёки ижара асосида фаолият юритаётганлиги тўғрисида маълумот;<br>ё) давлат-хусусий шериклик битими рақами ва санаси, битим бўйича қуввати;<br>ж) ёнғин назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мослиги ҳақидаги хулосаси рақами ва санаси;<br>з) санитария-эпидемиология хизмати органининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг гигиена қоидалари ва нормативларига мослиги ҳақидаги хулосаси рақами ва санаси;<br>и) соғлиқни сақлаш органлари билан тузилган шартнома рақами ва санаси;<br>й) тарбиячи ҳақида маълумот:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>маълумоти тўғрисида диплом рақами ва санаси;<br>к) тарбиячи ёрдамчиси ҳақида маълумот:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | маълумоти тўғрисида диплом рақами ва санаси; (агар мавжуд бўлса). |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари)** | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;<br>Давлат персоналлаштириш маркази;<br>Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати. |
| 8. | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 7-50 нафар болаларни тарбиялаш;<br>б) 5 кунлик иш ҳафтаси учун, қоида тариқасида, 9 соатли ва 4 соатли кунлик иш тартибини жорий этиш, 6 кунлик иш ҳафтаси ҳам жорий этилиши мумкин;<br>в) ўз устави, кун тартиби, таълим-тарбия дастурларига эга бўлиши;<br>г) мактабгача таълим ташкилотларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларга мувофиқ бўлиши;<br>д) тарбиячининг тегишли олий ёки ўрта махсус педагогик маълумотга ёки Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан оилавий нодавлат мактабгача таълим йўналиши бўйича қайта тайёрловдан ўтказилган ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши;*<br>е) суд томонидан ёки тиббий хулосага мувофиқ бундай фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланмаслиги талабига риоя этиш;<br>ё) “Open Emis” ахборот тизими орқали имтиёзли қабулга бўш ўринлар ҳақида ахборот бериб бориши ва мурожаатга кўра имтиёзларни қўллаш. |
| 10. | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш
тартиби тўғрисидаги ягона низомга
18-илова

**Офтальмология тиббий буюмларини чакана реализацияси (оптика) фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализациясига (оптикага) доир фаолият |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарнома қабул қилувчи орган:** | Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий бўлинмалари |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | "Лицензия" АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили ва кадастр рақами;<br>е) масъул ходим тўғрисидаги маълумотлар:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>маълумоти тўғрисидаги диплом рақами ва санаси, мутахассислик номи. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари:** | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги. |
| **8.** | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) юридик шахс штатида ҳар бир ташкил этиладиган объект учун тегишли ихтисосликка эга бўлган камида биттадан масъул мутахассиснинг мавжудлиги;*<br>б) фаолиятни амалга ошириш учун қуйидаги минимал шароитларни яратиш:<br>савдо зали 10 м$^2$, жумладан, истеъмолчиларга хизмат зонаси 5 м$^2$, иш ўринлари зонаси 5 м$^2$; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | тиббий буюмлар учун хона (филиали бўганда) – 4 м$^2$;<br>қўл ювиш мосламаси бўлиши;<br>в) канцелярия столи; стул; устки ва махсус қийимлар сақлаш учун шароит; витрина ва пештахталарнинг санитария режимини таъминлаш учун хўжалик инвентари ва дезинфекцияловчи воситалар; стеллаж; товар қўйгич; совутгич; термометр каби асбоб-ускуналарнинг мавжудлигини таъминлаш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
19-илова

**Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолият амалга ошириладиган жой манзили ва кадастр рақами. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Йиғим ундирилмайди |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан тўғри чизиқ бўйлаб икки юз метрдан кам масофада жойлашмаган бўлиши, савдо объекти умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуаларининг (бозорларнинг) ва ярмарка павильонларининг ҳудудида жойлашган ҳоллар бундан мустасно;<br>б) ўзига мулк ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган ёки ижарага олинган, алоҳида кириладиган савдо зали бўлган (фақат алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишга мўлжалланган), чекка тоғли туманларда – алоҳида савдо секцияси бўлган турғун шохобча бўлиши;<br>в) жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан, метрополитен бекатларида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудларида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, шунингдек, автостанцияларда жойлашмаган бўлиш; |

| | | |
|---|---|---|
| | | г) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалардан, шунингдек банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланган бўлиш;* <br> д) электрон ҳисоб-фактурадан мажбурий тартибда фойдаланиш; <br> е) қонунчиликда белгиланган алкоголь маҳсулотлар, билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун ҳар ойлик маҳаллий йиғимни тўлаб бориш; <br> ё) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги 302-сон Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари талабларига қатъи риоя қилиш; <br> ж) алкоголь маҳсулотлари сотиладиган жойларда уларнинг йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг инсон соғлиғига зарарли таъсири тўғрисида огоҳлантирувчи ёзувлар жойлаштирилган бўлиши;* <br> з) алкоголь маҳсулотларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархлардан паст нархларда сотмаслик; <br> и) белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркаланган (пиводан ташқари) алкоголь маҳсулотлари сотмаслиги* <br> й) алкоголь маҳсулотларини сақлаш учун омборхона бўлиши; <br> к) шаҳарларда – камида 25 квадрат метрли, қишлоқ жойларда – камида 15 квадрат метрли (фақат алкоголь маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган) савдо зали, узоқ тоғли жойларда — алоҳида савдо бўлими мавжуд бўлган турғун савдо шохобчаларида амалга оширилиши. |
| **10.** | **Изоҳ:** | Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ҳақидаги хабарнома ҳар бир чакана савдо объекти учун алоҳида юборилади. <br> Алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун йиғим алкоголь маҳсулотларини сотиш бошланганлиги тўғрисида хабарнома юборилган вақтдан бошлаб тўланади. Бунда хабарнома ойнинг йигирманчи санасигача юборилганда йиғим жорий ой учун тўлиқ ҳажмда, хабарнома ойнинг йигирманчи санасидан кейин юборилганда кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ҳисобланади. <br> Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш фаолияти тўхтатилганда ёки тугатилганда, йиғим ҳисобланиши кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади. <br> Алкоголь маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда олдиндан тўлов шаклида жорий ойнинг ўнинчи санасига қадар тўланади. <br> ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
20-илова

**Ветеринария даволаш-профилактика фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Ветеринария даволаш-профилактика фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Ветеринария даволаш-профилактика фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик ва жисмоний шахслар |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | *Жисмоний шахслар учун:*<br>а) жисмоний шахснинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) яшаш манзили;<br>в) мобил телефон рақами;<br>г) ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганлик рақами;<br>д) ветеринария мутахассиси тўғрисидаги маълумотини тасдиқловчи диплом рақами ва санаси;<br>е) малака оширганлиги тўғрисидаги сертификат (агар мавжуд бўлса);<br>ё) фаолиятни амалга ошириш худуди;<br>*Юридик шахслар учун:*<br>ж) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>з) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>и) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>й) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>к) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзил(лар)и, кадастр рақами);<br>л) ходимининг ветеринария мутахассиси тўғрисидаги маълумотини тасдиқловчи диплом рақами ва санаси;<br>м) ходимининг малака оширганлиги тўғрисидаги сертификат маълумотлари (агар мавжуд бўлса). |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги. |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | **органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | |
| 8. | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) ветеринария йўналишидаги таълим муассасасини (олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва профессионал таълим) битирган мутахассисликка эга бўлиш;*<br>б) Ўзбекистон Республикасида рухсат берилган профилактика ва даволаш усулларини, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилган ветеринария препаратларини қўллаш;*<br>в) эпизоотия пайдо бўлган тақдирда, давлат ветеринария хизматининг кўрсатмаларига биноан ветеринария тадбирларини ўтказиш;*<br>г)ҳайвонларда юқумли касаллик борлиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда давлат ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилиши ва касаллик доираси кенгайиб кетмаслиги юзасидан барча зарур чораларни кўриши;*<br>д) 5 йилда камида бир марта белгиланган тартибда малакасини ошириш;<br>е) ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотларни қайд этиб бориш мақсадида амбулатор журналини юритиш, шунингдек, маълумотларни ветеринария паспорти ва тегишли ахборот тизимида (ишга туширилганда) қайд этиш.* |
| 10. | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
21-илова

**Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш материалларини), заводда идишларга қадоқланганлари бундан мустасно, сотиш фаолиятининг**

**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизел ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш материалларини), заводда идишларга қадоқланганлари бундан мустасно, сотиш фаолиятини, бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | Автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми (нефть битумининг йўлларга мўлжалланган маркалари бундан мустасно), шунингдек, техник мойлар ва мойлаш материалларини сотиш бўйича фаолият |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>е) фаолият амалга ошириладиган мулк ҳуқуқининг ёки бошқа ашёвий ҳуқуқга эга бинолар ва иншоотлар манзили ва кадастр рақами;<br>ё) Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Нефть ва газ соҳасида саноат хавфсизлиги инспекциясининг нефть маҳсулотларини сотиш фаолиятининг тегишли турини амалга оширишда саноат хавфсизлиги бўйича қўйиладиган минимал талаблар бажарилганлиги тўғрисидаги хулосасининг рақами ва санаси;<br>ж) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг нефть маҳсулотларини сотиш фаолиятининг тегишли турини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилиш ва экология бўйича қўйиладиган минимал талаблар бажарилганлиги тўғрисидаги хулосасининг рақами ва санаси; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | з) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги ҳудудий бошқармаларининг нефть маҳсулотларини сотиш фаолиятининг тегишли турини амалга оширишда ёнғин хавфсизлиги бўйича қўйиладиган минимал талаблар бажарилганлиги хулосасининг рақами ва санаси;<br>и) “Ўзнефтгазинспекция” ҳудудий бўлимининг нефть маҳсулотларини сотиш фаолиятининг тегишли турини амалга оширишда нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш, ҳисобга олишга ва хизмат кўрсатувчи ходимларга қўйиладиган минимал талаблар бажарилганлиги тўғрисидаги хулосасининг рақами ва санаси. |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;<br>Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги;<br>Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси. |
| **8.** | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) сотиладиган нефть маҳсулотларига сифат сертификатининг мавжудлиги;<br>б) мавжуд моддий-техник базадан, нефть омборидан ва ёнилғи қуйиш асбоб-ускуналаридан, бошқа техника воситаларидан фойдаланиш учун шароитларнинг яратилганлиги;<br>в) давлат сири ҳисобланадиган маълумотлардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бажарилган тақдирда, режим органининг мавжудлиги;*<br>г) фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технология асбоб-ускуналарининг мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мавжудлиги. |
| **10.** | **Изоҳ:** | Фаолият турли манзилларда амалга ошириладиган тақдирда, хабарномани қабул қилувчи органга алоҳида хабарнома юборилиши талаб этилади.<br>** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
22-илова

**Геодезия ва картография фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Геодезия ва картография фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | **а) геодезия фаолияти турлари:**<br>1) давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш, даврий текшириш ва тиклаш ҳамда ишлаш ҳолатида сақлаб туриш, бунда 1–4-синф триангуляция, полигонометрия, нивелир, гравиметрия тармоқлари, сунъий йўлдошли геодезик тармоқлари РГП, СГС-0, СГС-1 ҳамда зичлашириш тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш, даврий текшириш ва тиклаш;<br>2) сунъий йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия фаолиятига доир материалларни (маълумотларни) ташкил этиш, бунда навигация тизимлари учун доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станциялари тармоғини ташкил этиш ва ишчи ҳолатида сақлаб туриш;<br>3) Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини делимитация, демаркация (редемаркация) қилиш ва унинг ўтиш чизиғини текшириш бўйича ишларни зарур геодезия фаолиятига доир ишлар, материаллар (маълумотлар) билан таъминлаш;<br>4) ер шакли ва ташқи гравитация майдонининг параметрларини аниқлаш, бунда давлат гравиметрик пунктларида оғирлик кучи тезланишининг абсолют (нисбий) қийматларини аниқлаш бўйича гравиметрия ишлари, геодезия пунктларида кенглик, узунлик ва азимутни астрономик аниқлаш ишлари;<br>5) ернинг картографик мониторингини, уни масофадан туриб зондлашни ва геодинамика тадқиқотларини амалга ошириш, бунда аэрокосмик суратга олиш (сунъий йўлдош, самолёт ва учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида) 1:2 000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000, 1:500 000 ва 1:1 000 000 масштабларда рақамли ортофотопланлар яратиш, геодинамик тадқиқотларда нуқталарнинг юқори аниқликдаги геодезик координата ва баландликларини аниқлаш;<br>6) муҳандислик қидирувларида, биноларни, иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланишда, ер тузишда, давлат кадастрларини юритишда ва бошқа ишларда геодезик зичлаштириш тармоқларини қуриш ҳамда ривожлантириш, бунда 4-синф, 1 ва 2-разряд триангуляция, полигонометрия, 3 ва 4-синф нивелир тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантириш.<br>7) муҳандислик қидирувларида, бинолар ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланишда ва бошқа ишларда махсус геодезия тармоқларини қуриш, бунда махсус триангуляция ва нивелирлаш ишлари давлат геодезия тармоқларига боғланмаган ҳолда амалга оширилади; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | 8) геодезия тасвирга олиш тармоқларини қуриш, аҳоли пунктларининг ҳудудлари ва қишлоқлараро ҳудудларни ривожлантиришни ҳамда уларда қурилиш олиб боришни режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқа ишларни бажариш учун мўлжалланган топографик режаларни яратиш ва янгилаш, бунда майдони бир вилоят ҳудудигача бўлган майдонда 1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:5 000, 1:10 000 масштабларда махсус ёки мавзули режаларни яратиш ва янгилаш;<br>9) қуйидаги фаолият йўналишлари турлари бўйича (ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ва ҳарбий объектларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари маълумотларидан (материалларидан) фойдаланмаган ҳолда):<br>маҳаллий координаталар тизимида махсус аҳамиятга эга бўлган геодезик режа ва баландлик шохобчаларини яратиш;<br>маҳаллий координаталар тизимида 1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:5 000 масштабларда паст ва ўрта босимли газ таъминоти, электр таъминоти, канализация ва қоризлар, шунингдек, аҳолиси 100 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари сув таъминотининг тармоқлари ва объектларида махсус хариталар, режаларни яратиш;<br>100 гектаргача бўлган ҳудуд учун абонентлар фойдаланадиган телекоммуникациялар тармоқлари тасвирланган махсус хариталар, режаларни яратиш;<br>майдони 10 кв.км гача бўлган геология, маркшейдер, муҳандислик изланишлари ва бошқа изланишларда геодезия ва топография ишлари;<br>10) муҳандислик қидирувларини амалга ошириш чоғида геодезия ва картографияга оид ишларни таъминлаш мақсадида ерни масофадан туриб зондлаш, бунда битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан катта бўлмаган майдонда аэросуратга олиш (сунъий йўлдош, самолёт ва учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида 1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:5 000, 1:10 000 масштабларда рақамли ортофотопланлар яратиш);<br>**б) картография фаолияти турлари:**<br>11) сунъий йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун картографияга доир материалларни (маълумотларни) ташкил этиш, бунда базавий картографик асос яратиш ва янгилаш;<br>12) миллий географик ахборот тизимини, умумдавлат аҳамиятига молик бошқа географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;<br>13) картография-геодезия давлат кадастрини юритиш;<br>14) географик объектларнинг номларини белгилаш, меъёрлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, шунингдек, географик объектлар номларининг давлат реестрини юритиш;<br>15) график, рақамли, фотосурат шаклидаги ва бошқа шакллардаги давлат топографик хариталари ҳамда режаларини яратиш, янгилаш ва нашр этиш, бунда 1:500, 1:1 000, 1:2 000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000, 1:500 000 ва 1:1 000 000 масштабларда рақамли |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | топографик режа ва хариталарни яратиш ва янгилаш;<br>16) базавий фазовий маълумотлар ва фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлаш, бунда илмий-техник сиёсатни, техник ва дастурий воситаларни, базавий ва ихтисослашган фазовий маълумотларни, метамаълумотлар ва метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, халқаро стандартларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий бўлган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, ишлов бериш, сақлаш, тақдим этиш, интеграциялаш;<br>17) умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумотга оид ва бошқа тематик хариталар ҳамда тармоқлараро аҳамиятга молик атласлар, картографик ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр этиш;<br>18) махсус аҳамиятга молик географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;<br>19) график, рақамли, фотосурат шаклидаги ҳамда бошқа шакллардаги махсус аҳамиятга молик тематик хариталар, режалар ва атласларни тузиш ҳамда нашр этиш (махфий материаллар ва маълумотлар, шунингдек ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ҳамда ҳарбий объектларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари ва бошқалар бундан мустасно);<br>20) очиқ фойдаланишдаги географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш (махфий материаллар ва маълумотлар, шунингдек ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ҳамда ҳарбий объектларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари ва бошқалар бундан мустасно). |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | а) 1–4 ҳамда 11–15 фаолият турлари бўйича фақат Кадастр агентлиги тизими корхоналари.<br>б) 5–10 ҳамда 16–20 фаолият турлари бўйича Кадастр агентлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, геодезия ва картография фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар. |
| **4.** | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | *Юридик шахслар учун:*<br>а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди); |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | е) геодезия фаолияти турлари танланганда:<br>геодезик ўлчов воситаларининг номи, маркаси, ишлаб чиқарилган рақами ва метрологик текширувдан (давлат қиёсловидан) ўтказилганлиги тўғрисидаги сертификат рақами ва санаси;<br>танланган геодезия фаолият турига қўйилган талабдан келиб чиқиб, балансида бўлган геодезия фаолияти учун фойдаланадиган ўлчов воситалари, асбоб-ускуналар, учувчисиз учиш қурилмаси ва бошқалар юридик шахснинг балансига тегишли эканлигини тасдиқловчи инветарь рўйхат;<br>5-фаолият тури танланганда учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланишга махсус рухсатноманинг электрон нусхаси юкланади;<br>ё) картография фаолият турлари танланганда:<br>11–13, 15, 16–19 - фаолият турлари танланганда электрон рақамли хариталарни тузиш учун мўлжаланган лицензион дастурий таъминотнинг лицензия рақами ва олинган санаси, катта форматли сканер (камида A1 форматидаги) ва плоттернинг (формати A1 дан кам бўлмаган) номи, маркаси, ишлаб чиқарилган рақами кўрсатилади;<br>17 ва 19 - фаолият турлари танланганда электрон рақамли хариталарни тузиш учун мўлжаланган лицензион дастурий таъминотнинг лицензия рақами ва олинган санаси, тўрт рангли офсет босиб чиқариш машинаси (формати A1 дан кам бўлмаган), фотосурат ускуналари (формати A1 дан кам бўлмаган) ёки термал офсет плиталарини чиқариш учун ускуналар (формати A1 дан кам бўлмаган), катта форматли сканер (камида A1 форматидаги) ва плоттернинг (формати A1 дан кам бўлмаган) номи, маркаси, ишлаб чиқарилган рақами кўрсатилади;<br>ж) геодезия ва картография мутахассислиги бўлган ходимнинг:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>диплом рақами ва санаси;<br>з) 1–6 ва 10–18 фаолият турларида тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимини мавжудлиги тўғрисида маълумот. |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Бандлик муносабатлари вазирлиги;<br>Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат хизматлари агентлиги;<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги. |
| 8. | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари** | а) фаолиятни амалга ошириш даврида фойдаланиладиган барча геодезик ўлчов воситалари ўрнатилган тартибда метрологик текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги сертификат бўлиши ва ҳар 12 ойда янгиланиши; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | **ва шартлари:** | б) фаолият турлари бўйича қуйидаги талаб ва шартларга риоя этиш:<br>**1-фаолият тури бўйича:**<br>электрон тахеометр 1″ – 1 дона;*<br>штатив (уч оёқли таянч) – 3 дона;<br>нур қайтаргич – 2 дона;<br>нур қайтаргич учун тутқич (нур қайтаргич учун таянч таёқчаси) – 2дона;<br>икки томонлама нивелир йўли учун ўртача квадратик хатолиги 1 км.га I-синф учун ±0.5 мм, II-синф учун ±1 мм бўлган нивелир – 1 дона;*<br>нивелир иш учун инвар саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 2 комплект;*<br>штатив (уч оёқли таянч) – 2 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>геодезия ва (ёки) топография мутахассислигини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;<br>**2-фаолият тури бўйича:**<br>2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 2 комплект;*<br>штатив (уч оёқли таянч) – 2 дона;<br>икки томонлама нивелир йўли учун ўртача квадратик хатолиги 1 км.га I-синф учун ±0.5 мм, II-синф учун ±1 мм бўлган нивелир – 1 дона;*<br>нивелир иш учун инвар саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнги мавжудлиги;*<br>геодезия ва (ёки) топография мутахассислигини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**3-фаолият тури бўйича:**<br>электрон тахеометр 1″ – 1 дона;*<br>штатив (уч оёқли таянч) – 3 дона;<br>нур қайтаргич – 2 дона;<br>нур қайтаргич учун тутқич (нур қайтаргич учун таянч таёқчаси) – 2 дона;<br>икки томонлама нивелир йўли учун ўртача квадратик хатолиги 1 км.га I-синф учун ±0.5 мм, II-синф учун ±1 мм бўлган нивелир – 1 дона;*<br>нивелир иш учун инвар саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 2 комплект;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>геодезия ва (ёки) топография мутахассислигини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**4-фаолият тури бўйича:**<br>гравиметр – 1 комплект;*<br>2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 2 комплект;* |

| | | |
|---|---|---|
| | | штатив (уч оёқли таянч) – 2 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>геодезия ва (ёки) топография мутахассислигини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**5-фаолият тури бўйича:**<br>самолёт (ёки учувчисиз учиш қурилмаси) ва аэрокамера – 1 комплект;*<br>аэро ёки космик суръатларни қайта ишлаш учун лицензияланган дастурий таъминот ҳамда компьютер;<br>электрон тахеометр 1″ – 1 дона;*<br>штатив (уч оёқли таянч) – 3 дона;<br>нур қайтаргич – 2 дона;<br>нур қайтаргич учун тутқич (нур қайтаргич учун таянч таёқчаси) – 2 дона;<br>икки томонлама нивелир йўли учун ўртача квадратик хатолиги 1 км.га I-синф учун ±0.5 мм, II-синф учун ±1 мм бўлган нивелир – 1 дона;*<br>нивелир иш учун инвар саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 2 комплект;*<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимини мавжудлиги;*<br>геодезия ва картография, ерни масофадан туриб зондлаш, ГАТ мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**6 ва 7-фаолият турлари бўйича:**<br>бурчак ўлчашнинг ўртача квадрат хатолик 7″ гача бўлган электрон тахеометр – 1 комплект;*<br>ўртача квадратик хатолик 1 км.га ± 3 мм бўлган нивелир – 1 дона;*<br>2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 1 комплект;*<br>нур қайтаргич – 2 дона;<br>штатив (уч оёқли таянч) – 3 дона;<br>нивелир учун шахмат кўриниши (ёки инвар)даги саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>нур қайтаргич учун тутқич (нур қайтаргич учун таянч таёқчаси) – 2 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги (фақат 6-фаолият тури учун);*<br>геодезия мутахассислигини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йил иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**8-фаолият тури бўйича:**<br>бурчак ўлчашнинг ўртача квадрат хатолик 7″ гача бўлган электрон тахеометр – 1 комплект;*<br>ўртача квадрат хатолик 1 км.га ± 3 мм бўлган нивелир – 1 дона;* |

| | | |
|---|---|---|
| | | 2 частотали GNSS қабул қилувчилари – 1 комплект;*<br>нур қайтаргич – 2 дона;<br>штатив (уч оёқли таянч) – 3 дона;<br>нивелир учун шахмат кўриниши (ёки инвар)даги саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>нур қайтаргич учун тутқич (нур қайтаргич учун таянч таёқчаси) – 2 дона;<br>геодезия ва (ёки) топография мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йил иш стажига эга бир нафар ходим;*<br>**9-фаолият тури бўйича:**<br>бурчак ўлчашнинг ўртача квадрат хатолик 7″ гача бўлган электрон тахеометр – 1 комплект;*<br>ўртача квадрат хатолик 1 км.га ± 3 мм бўлган нивелир – 1 дона;*<br>нур қайтаргич – 2 дона;<br>штатив (уч оёқли таянч) – 3 дона;<br>нивелир учун шахмат кўриниши (ёки инвар)даги саноқ олиш таёқчаси – 2 дона;<br>нур қайтаргич учун тутқич (нур қайтаргич учун таянч таёқчаси) – 2 дона;<br>геодезия, топография, маркшейдер мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йил иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**10-фаолият тури бўйича:**<br>самолёт (ёки учувчисиз учиш қурилмаси) ва аэрокамера – 1 комплект;*<br>аэро ёки космик суръатларни қайта ишлаш учун лицензияланган дастурий таъминот ҳамда компьютер;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>картография, давлат кадастрлари, ГАТ, ерни масофадан туриб зондлаш, дастурлаш ва ахборот технологиялари мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**11, 13, 14, 15-фаолият турлари бўйича:**<br>географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш учун лицензияланган дастурий таъминот;*<br>катта форматдаги сканер (камида А1 формати) – 1 дона;<br>плоттер (формати А1 дан кам бўлмаган) – 1 дона;<br>лицензияланган дастурий маҳсулот учун компьютер – 1 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>геодезия ва (ёки) картография, ГАТ йўналиши мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



| | | |
|---|---|---|
| | | **12 ва 16-фаолият турлари бўйича:**<br>ГАТ ва бошқа базавий фазовий маълумотларни шакллантириш ва юритишда лицензияланган дастурий таъминотлар;*<br>лицензияланган дастурий маҳсулот(лар) учун компьютер (ёки сервер) қурилмаси – 1 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>картография, ГАТ, геоинформатика, ерни масофадан туриб зондлаш, ер тузиш ва давлат кадастрлари, дастурлаш ва ахборот технологиялари мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**17-фаолият тури бўйича:**<br>хариталарни тузиш учун лицензияланган дастурий таъминот;*<br>катта форматдаги сканер (камида А1 формати) – 1 дона;*<br>плоттер (формати А1 дан кам бўлмаган) – 1 дона;*<br>лицензияланган дастурий таъминотдан фойдаланиш учун компьютер – 1 дона;<br>фотосурат ускуналари (формати А1 дан кам бўлмаган) ёки термал офсет плиталарини чиқариш учун ускуналар (формати А1 дан кам бўлмаган) – 1 дона;*<br>тўрт рангли офсет босиб чиқариш машинаси (формати А1 дан кам бўлмаган) – 1 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>картография, ГАТ йўналишларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**18-фаолият тури бўйича:**<br>географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш учун лицензион дастурий таъминот;*<br>катта форматдаги сканер (камида А1 формати) – 1 дона;<br>плоттер (формати А1 дан кам бўлмаган) – 1 дона;<br>лицензияланган дастурий таъминотдан фойдаланиш учун компьютер – 1 дона;<br>тоифаланган материаллар (маълумотлар) билан ишлаш учун махсус бўлимнинг мавжудлиги;*<br>картография, ГАТ мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;*<br>**19-фаолият тури бўйича:**<br>хариталарни тузиш учун лицензияланган дастурий таъминот;*<br>катта форматдаги сканер (камида А1 формати) – 1 дона;<br>плоттер (формати А1 дан кам бўлмаган) – 1 дона;<br>картография, ГАТ мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши;* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | **20-фаолият тури бўйича:**<br>географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш учун дастурий таъминот – 1 дона;<br>дастурий таъминотдан фойдаланиш учун компьютер – 1 дона;<br>картография, ГАТ, дастурлаш ва (ёки) ахборот технологиялари мутахассисликларидан бирини тамомлаган ва ушбу йўналишда камида бир йиллик иш стажига эга бир нафар ходим ишлаши.* |
| **10.** | **Изоҳ:** | * *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
23-илова

## Юқори частотали қурилмалардан фойдаланишнинг
## ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Хабарнома номи:** | Юқори частотали қурилмалардан фойдаланишни бошлаш ва тугатиш тўғрисида хабарнома |
| 2. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Юқори частотали қурилмалардан металларни эритиш, металларга ишлов бериш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхонлари ва консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари |
| 4. | **Хабарномани қабул қилувчи орган(лар):** | "Электромагнит мослашув маркази" ДУК (ЭМММ) ва ҳудудий электромагнит мослашув хизматлари;<br>Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича ҳудудий инспекциялар. |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | "Лицензия" АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | *Жисмоний шахслар учун:*<br>а) жисмоний шахснинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) яшаш манзили ҳамда электрон почта манзили;<br>в) мобил телефон рақами;<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) юқори частотали қурилманинг ўрнатиш пункти (вилоят, туман, аҳоли пункти, координатаси);<br>е) ўрнатиш жойи (цех, майдон, лаборатория, хона, корпус, қават ва бошқалар);<br>ё) юқори частотали қурилманинг:<br>тури;<br>завод рақами;<br>ишлаб чиқарилган йили ва мамлакати;<br>республикага кириш санаси ва божхона декларациясининг рақами;<br>қуввати, кВт;<br>мақсади;<br>частота барқарорлиги;<br>ишлаш тартиби;<br>ишлаш частоталари, кГц.<br>ж) юқори частотали қурилмани хисобга олиш ва фойдаланишга масъул шахс этиб белгиланган ходимнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация |

| | | |
|---|---|---|
| | | ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>лавозими, телефон рақами;<br>*Юридик шахслар учун:*<br>з) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>и) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>й) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>к) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>л) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>м) юқори частотали қурилманинг ўрнатиш пункти (вилоят, туман, аҳоли пункти, координатаси).<br>н) ўрнатиш жойи (цех, майдон, лаборатория, хона, корпус, қават ва бошқалар).<br>о) юқори частотали қурилманинг:<br>тури;<br>завод рақами;<br>ишлаб чиқарилган йили ва мамлакати;<br>республикага кириш санаси ва божхона декларациясининг рақами;<br>қуввати, кВт;<br>мақсади;<br>частота барқарорлиги;<br>ишлаш тартиби;<br>ишлаш частоталари, кГц.<br>п) юқори частотали қурилмани хисобга олиш ва фойдаланишга масъул шахс этиб белгиланган ходимнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>лавозими, телефон рақами. |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Талаб қилинмайди |
| 8. | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган** | а) радиочастоталар бўйича Республика кенгаши қарорлари ва ЭМММ рухсатномаларида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш; |

| | | |
|---|---|---|
| | **фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | б) турли хил қўлланишдаги юқори частотали қурилмадан фойдаланиш фақат радиочастоталар бўйича Республика кенгаши қарорларида кўрсатилган полосалар доирасида тури ва ишчи частоталарга эга юқори частотали қурилма учун амалга оширилади;*<br>в) ЭМММнинг рухсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юқори частотали қурилмани сотиб олиш (бериш), олиб кириш, шунингдек, улардан фойдаланишни бошлаш ва тугатиш ҳақидаги хабарнома тақдим қилмасдан фойдаланишга йўл қўйилмайди, хабарнома талаб қилинмайдиган юқори частотали қурилмалар бундан мустасно;*<br>г) саноат радиохалақитларнинг манбаи бўлиши мумкин бўлган юқори частотали қурилма ҳосил қиладиган радиохалақитлар бостирилишини таъминлайдиган қурилмалар билан жиҳозланиши шарт;<br>д) юқори частотали қурилмани олиб кириш учун рухсатномаларни олишда хабардор қилувчи аввал сотиб олиш (бериш) учун рухсатномани расмийлаштирган бўлиши лозим. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
24-илова

**Пиво ва пиво ичимликлари (табиий вино бундан мустасно) ишлаб чиқариш фаолиятининг ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Хабарнома номи:** | Пиво ва пиво ичимликлари (бундан табиий вино мустасно,) ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома |
| 2. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият тури:** | Пиво ва пиво ичимликлари ишлаб чиқариш фаолияти |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс |
| 4. | **Хабарномани қабул қилувчи ваколатли орган(лар):** | Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб этиладиган маълумотлар:** | а) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>б) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>в) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>е) фаолият амалга ошириладиган жой манзили (манзиллари, кадастр рақами);<br>ё) ишлаб чиқариш объектлари, сақлаш омборлари жойлашган манзиллар;<br>ж) ишлаб чиқариш объектининг электрон паспорти;<br>з) спирт ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тегишли малакага эга бўлган камида икки нафар мутахассислар тўғрисида маълумотлар:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>маълумоти тўғрисида диплом ёки бошқа ҳужжат рақами ва санаси;<br>и) ишлаб чиқариш қувватларининг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосанинг санаси ва рақами. |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим** | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | **бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Давлат персоналлаштириш маркази;<br>Давлат хизматлари агентлиги;<br>Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги. |
| **8.** | **Хабарномани юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) ишлаб чиқариш хавфсизлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ва нормаларини таъминлаш;*<br>б) фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган мувофиқлик сертификатлари ва бошқа тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги;<br>в) ҳар бир маҳсулот тури учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқномаларнинг мавжудлиги;<br>г) истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тегишли малакага эга бўлган камида икки нафар мутахассиснинг мавжудлиги;*<br>д) зарур асбоб-ускуналар, приборлар, кимёвий реактивлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан жиҳозланган, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда назарда тутилган барча зарур физик-кимёвий, микробиологик ва бошқа кўрсаткичларни анализ қилиш имконини берувчи ишлаб чиқариш лабораториялари мавжудлиги;*<br>е) истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стационар ишлаб чиқариш иншоотлари ва ускуналарида амалга ошириш;<br>ё) ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги бўйича истеъмол этил спирти ва алкоголь маҳсулотларининг органолептик хусусиятларини аниқлаш бўйича дегустация комиссиясига ҳар чоракда маҳсулот намуналарини тақдим этиш;<br>ж) электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактурадан фойдаланиш;<br>з) доимий равишда устав фондининг камида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 баравари бўлишини таъминлаш;*<br>и) ишлаб чиқариш жараёнига Идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалашни жорий қилиш;*<br>й) ўлчаш жиҳозлари ва ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарнинг мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиши. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
25-илова

**Умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг тунги вақтда фаолият юритиш фаолиятининг**
## ПАСПОРТИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Хабарнома номи:** | Умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг тунги вақтда фаолият юритишни бошлаганлиги ёки тугатганлиги тўғрисида хабарнома |
| 2. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) умумий овқатланиш корхоналарининг соат 23.00 дан 06.00 гача фаолият юритиши;<br>б) кўнгилочар объектларнинг соат 23.00 дан 06.00 гача фаолият юритиши. |
| 3. | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор |
| 4. | **Хабарнома қабул қилувчи орган:** | Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ва бўлимлари |
| 5. | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| 6. | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | *Якка тартибдаги тадбиркорлар учун:*<br>а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) яшаш манзили;<br>в) мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>г) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>д) фаолиятини амалга ошириш манзил(лар)и;<br>*Юридик шахслар учун:*<br>е) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>ё) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>ж) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>з) юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари:<br>паспорт рақами ва серияси ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>и) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>й) фаолиятини амалга ошириш манзил(лар)и;<br>*Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун:*<br>к) талабларнинг бажарилганлигига оид маълумотлар:<br>фаолият олиб борилаётган объект тури;<br>фаолият олиб бориладиган бинонинг кадастр рақами;<br>фаолият олиб бориладиган бинодаги мижозлар учун ажратилган хоналар (заллар) сони;<br>бинонинг ички қисмида ўрнатилган видеокузатув камералари сони; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | бинонинг ташки қисмида ўрнатилган видеокузатув камералари сони;<br>ёнғин ўчириш ускуналар сони. |
| 7. | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари (маълумотлари):** | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;<br>Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;<br>Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати. |
| 8. | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| 9. | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) "Хавфсиз шаҳар" концепцияси доирасида умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларнинг ички қисмида, шу жумладан, хизмат кўрсатиш хоналари, кириш ва чиқиш жойларига тасвирни камида ўттиз кун давомида сақлаш имконини берувчи видеокузатув тизими мавжуд бўлиши;*<br>б) биноларнинг ён-атрофи, автотураргоҳ ва уларга тегишли бошқа ҳудудларни етарли даражада (камида 10 метр масофада) ёритиш;<br>в) бинода шовқиннинг рухсат этиладиган шовқин меъёрларига қўйиладиган санитария қоидалари ва нормаларидан ошмаслигини таъминлаш, шу жумладан, объектларни тўлиқ товуш ўтказмайдиган этиб жиҳозлаш ёки тунги вақтда мусиқа ва товуш кучайтиргич асбоб-ускуналаридан фойдаланмаслик;<br>г) ёнғин ўчириш воситалари ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар тўплами солинган тиббий ёрдам қутичалари билан таъминлаш;<br>д) бинонинг барча учун кўринарли жойларига ёнғин ва бошқа фавқулодда (тезкор) вазиятлар юз берган тақдирда ҳаракатланиш ва фуқароларни эвакуация қилиш чизмаси ҳамда тезкор ва қутқарув хизматларининг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотларни ўрнатиш;<br>е) кўнгилочар объектда сутканинг тунги вақтида хавфсизликни назорат қилиш учун масъул навбатчи ходим (ходимлар) тайинлаш. Масъул навбатчи ходимнинг вазифаларини сотувчилар, ошпазлар, официантлар, мижозларга бевосита товарларни сотувчи ва хизматларни кўрсатувчи бошқа ходимлар зиммасига юклатилишига йўл қўйилмайди.* |
| 10. | **Изоҳ:** | **Умумий овқатланиш корхоналари** – ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона ва бошқа турғун овқатланиш шохобчалари.<br>**Кўнгилочар объектлар** – аҳолининг дам олиши ва ҳордиқ чиқаришлари билан боғлиқ товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишга мослаштирилган клуб, дискотека, компьютер заллари, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар (бўш вақт ўтказиладиган) жойлар. |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | Мазкур Паспорт қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон қарорига мувофиқ йирик шаҳарлар, вилоятлар ва туманлар марказларида ташкил этиладиган савдо ва кўнгилочар кўчаларда туну кун фаолият юритувчи савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди<br>* *Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
26-илова

**Маданий бойликларни реализация қилиш бўйича фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Маданий бойликларни реализация қилиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | Маданий бойликларни реализация қилиш бўйича фаолияти |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор |
| **4.** | **Хабарнома қабул қилувчи орган:** | Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | *Якка тартибдаги тадбиркорлар учун:*<br>а) ЯТТнинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) фаолиятини амалга ошириш жойи (манзили);<br>в) яшаш манзили ҳамда электрон почта манзили;<br>г) мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>д) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>*Юридик шахслар учун:*<br>е) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>ё) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>ж) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>з) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>и) маданий бойлик реализация қилинадиган манзил(лар). |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари:** | Давлат солиқ қўмитаси;<br>Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги. |
| **8.** | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) маданий бойликларнинг Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқилиши ёки вақтинча олиб чиқилишида Маданий мерос агентлиги томонидан бериладиган олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификат асосида амалга оширилишига риоя қилиш; |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



| | | |
|---|---|---|
| | | б) эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши мумкин эмаслиги ҳақида харидорни огоҳлантириш;*<br>в) маданий бойликларни асраш чораларини кўриш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | ** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун
ваколатли органни хабардор қилиш тартиби
тўғрисидаги ягона низомга
27-илова

**Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказганлик ҳақида хабарнома бериш фаолиятининг**
**ПАСПОРТИ**

| | | |
|---|---|---|
| **1.** | **Хабарнома номи:** | Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказганлик ҳақида хабарнома |
| **2.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари:** | а) миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш;<br>б) миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш. |
| **3.** | **Хабардор қилувчи тоифаси:** | Юридик ва жисмоний шахслар |
| **4.** | **Хабарнома қабул қилувчи орган:** | Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги |
| **5.** | **Хабарномани юбориш тартиби:** | “Лицензия” АТ ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали |
| **6.** | **Хабарномани юбориш учун талаб қилинадиган маълумотлар:** | *Жисмоний шахслар учун:*<br>а) жисмоний шахснинг:<br>фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса);<br>паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами;<br>ЖШШИР;<br>б) яшаш манзили ҳамда электрон почта манзили;<br>в) мобил телефон рақами;<br>*Юридик шахслар учун:*<br>г) юридик шахс номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР;<br>д) почта ҳамда электрон почта манзили;<br>е) юридик шахс раҳбарининг мобил телефон рақами, фаолиятни амалга ошириш жойининг телефон рақами (мавжуд бўлган тақдирда);<br>ё) банк реквизитлари (ҳисобварағи, банк коди);<br>*Жисмоний ва юридик шахслар учун:*<br>ж) музей ашёси ва музей коллекциясининг фотосуратлари;<br>з) музей ашёлари ва музей коллекциялари тасарруфига ўтаётган ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда берилаётган шахс тўғрисида маълумот (жисмоний шахс – исми, фамилияси, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами ёки идентификация ID-картаси рақами, ЖШШИР; юридик шахс – ташкилот номи, СТИР, манзили, телефон рақами). |
| **7.** | **Хабардор қилувчи киритган маълумотлар текширилиши лозим бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари:** | Давлат солиқ қўмитаси |

| | | |
|---|---|---|
| **8.** | **Хабарнома юбориш учун тўланадиган йиғим миқдори:** | Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи |
| **9.** | **Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг талаблари ва шартлари:** | а) музей ашёлари ва музей коллекцияларидан мақсадли фойдаланиш;<br>б) музей ашёлари ва музей коллекцияларини бут сақлаш, уларни асраб-авайлаш чораларини кўриб бориш;*<br>в) музей ашёлари ва музей коллекцияларидан илмий, маданий, маърифий ҳамда таълим мақсадларида фойдаланилишини таъминлаш. |
| **10.** | **Изоҳ:** | Давлатга тегишли бўлган ҳамда давлат органлари ва муассасалари музейларига нисбатан мазкур тартиб татбиқ этилмайди.<br>** Қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган талаб ва шартлар.* |

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “25” феврал даги 88-сон қарорига
2-илова

**Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш билан боғлиқ маъмурий шикоятларни республика даражасида кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгашларининг намунавий**

**ТАРКИБИ**

1. Ваколатли органнинг раҳбари, *Кенгаш раиси*

2. Ваколатли орган раҳбарининг ўринбосари, *Кенгаш раиси ўринбосари*

3. Ваколатли органнинг ижро назорати бўйича таркибий бўлинма раҳбари, *Кенгаш аъзоси*

4. Ваколатли органнинг таркибий бўлинма раҳбари, *Кенгаш аъзоси*

5. Ваколатли органнинг юридик хизмат раҳбари, *Кенгаш котиби*

**Изоҳ**. *Зарур ҳолларда, Кенгаш таркибига ваколатли органнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва бошқа вазирликлар ҳамда ташкилотларнинг раҳбар ва ходимлари жалб этилиши мумкин.*

*Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “25” февралдаги 88 -сон қарорига
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандидаги “ўн” сўзи “уч” сўзи билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида” 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарорида:

а) 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш) ва сақлаш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сотиш (бериш), тақсимлаш ва сақлаш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш ва сақлаш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сақлаш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиёт ва ветеринарияда фойдаланиш ва сақлаш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш ва сақлаш;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни йўқ қилиш ва сақлаш;

таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш ва сақлаш.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати ва божхона органларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида фойдаланиш лицензиясиз амалга оширилади”;

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

18-банддаги “ўттиз” сўзи “йигирма” сўзи билан алмаштирилсин;

19-банднинг иккинчи хатбошисидаги “йигирма етти” сўзлари “ўн етти” сўзлари билан алмаштирилсин;

27-бандда:

биринчи хатбошисидаги “ўн” сўзи “етти” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги “етти” сўзи “уч” сўзи билан алмаштирилсин;

35-бандда:

иккинчи – учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

тўртинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча иккинчи – бешинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорининг 3-бандида:

иккинчи хатбошисидаги “шаҳарлараро,” сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги “ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида” сўзлари “шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро” сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарори билан тасдиқланган Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомда:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги “баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган,” сўзлари “рўйхатдан ўтган баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзо бўлган,” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банднинг учинчи хатбошисидаги “баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни,” сўзлари “баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолиги тўғрисидаги маълумотни ва” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 22-банднинг иккинчи хатбошисидаги “баҳоловчи фаолиятнинг лицензияловчи” сўзлари “экспертизанинг бажарувчиси аъзо бўлган баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қарорга 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг
ҳаққонийлигини экспертизадан
ўтказишни ташкил этиш тартиби
ҳақидаги низомга
ИЛОВА

**_______-сон ҳисобот бўйича эксперт хулосаси**

“_______________________________________________________________________________”

*(баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг номи)*

20__ йил «___» _________Тошкент шаҳри

**1. Умумий маълумотлар**

Экспертизани ўтказиш асоси: ________________________________________
_____________________________________________________________________________

Экспертиза предмети: ______________________________________________
_____________________________________________________________________________

Экспертиза тури: _____________________________________________________

Экспертиза ўтказилган сана: 20___ йил “____”_____________

Эксперт: Ф.И.О., лавозими, баҳоловчининг малака сертификати тартиб рақами ва унинг берилган санаси ___________________________________________

20__ йил “___” _______даги “_______________”-сон ҳисобот (кейинги ўринларда Ҳисобот деб аталади) 20__ йил “___” _______да “____________” жамоат бирлашмасига аъзо бўлган “______________” баҳоловчи ташкилот томонидан 20__ йил “___” ________да берилган ______-сон баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган баҳоловчи ______ томонидан 20__ йил “___” __________даги _______-сон Шартнома бўйича ________________мақсадида бажарилган.

________________________________________________________________________________

*(объектнинг баҳолаш санасида идентификация қилиш имконини берувчи аниқ тавсифи, юридик шахсга тегишли бўлган баҳолаш объекти бўйича эса юридик шахснинг реквизитлари)*

баҳолаш объекти ҳисобланади.

**2. Баҳоланувчи объектга борган ҳолда баҳоланувчи мол-мулкни текшириш натижалари (дала шароитида экспертиза ўтказишда):**

Дала шароитида экспертиза ўтказишда қўшимча равишда қуйидагилар аниқланди:

*(сўнгра эксперт томонидан баҳолаш объектига борган ҳолда баҳоланаётган мол-мулкни текшириш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш учун мол-мулкнинг таққосланадиган объектларини текшириш натижалари келтирилади)*

**3. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги**

Ҳисоботда қуйидагилар келтирилган:_______________________________________________
___________________________________________________________________ (сўнгра эксперт томонидан баҳолаш тўғрисида тақдим этилган ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига қўйиладиган умумий талабларга риоя қилиниши бўйича мувофиқлиги ҳақидаги хулосалар келтирилади).

Баҳолаш мақсадлари учун Ҳисоботда қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилган:

________________________________________________________________________________

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



_______________________________________________________________ (сўнгра эксперт томонидан ҳисоботда Баҳоловчи томонидан у ёки бу баҳолаш ёндашувларидан фойдаланишнинг (ёки фойдаланишни рад этишнинг) асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади).

Даромад бўйича ёндашувдан фойдаланиш:

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи ____________________ методидан фойдаланди.

*(сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади).*

Қиёсий ёндашувдан фойдаланиш:

__________________________________________________

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи ____________________ методидан фойдаланди.

*(сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)*

Харажат бўйича ёндашувдан фойдаланиш:__________________________________________

Танланган ёндашув доирасида Баҳоловчи ____________________ методидан фойдаланди.

*(сўнгра эксперт томонидан фойдаланилган ёндашув доирасида Баҳоловчи томонидан аниқ методни танлашнинг тўғрилиги ва асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади. Бундан ташқари, баҳолашнинг танланган методи доирасида баҳолашни амалга оширишда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган ахборотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган миқдорларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таҳлил қилиш натижалари келтирилади)*

Жорий этилган чегиришлар ва мукофотлар:

*(Ушбу бўлимда эксперт томонидан ҳисоблашда Баҳоловчи томонидан фойдаланилган чегиришлар ва мукофотлар миқдорларини қўллаганликнинг асосланганлиги ва уларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек уларни аниқлашнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)*

Баҳолашнинг ҳар қайси ёндашуви салмоғини асослаш: ______________________________

Баҳоловчи ___________________________ (баҳолашда қийматни аниқлашга ёндашувларда фойдаланилган салмоқни белгилаш методидан) фойдаланди.

*(сўнгра эксперт томонидан Баҳоловчи ёндашувларининг салмоғини (коэффициентларини) белгилашнинг асосланганлиги тўғрисидаги хулосалар келтирилади)*

**4. Ўтказилган экспертиза хулосалари:**

**Юқорида баён қилинганларга асосланиб, 20____ йил “___” _________________даги “________________________” ни баҳолаш тўғрисидаги кўриб чиқилган**

*(ҳисобот номи)*

**_____-сон ҳисобот___________________________ деб эътироф этилади.**

*(ҳаққоний/ҳаққоний эмас)*

Экспертизани ўтказган эксперт _________ (имзо)

Экспертизани ўтказган баҳоловчи ташкилот раҳбари __________ (имзо)

Баҳоловчи ташкилот муҳри

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



Изоҳ: ушбу эксперт хулосаси фақат илова қилинаётган ҳисоботнинг тўлиқ матнини ҳисобга олган ҳолда, унда мавжуд бўлган барча йўл қўйишлар ва чеклашларни, шунингдек экспертизани ўтказишда фойдаланилган ҳужжатларни эътиборга олиб талқин этилиши мумкин.

”.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом 13-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказганлик ҳақида хабардор қилувчилар реестрини юритади ва уларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини назорат қилади;”.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги низомнинг 64-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“64. Спорт мактабининг тренер-ўқитувчилар таркиби олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар жисмоний тарбия маълумотига эга бўлган мутахассислардан бутланади. Бунда жисмоний тарбия маълумотига эга бўлиш назарда тутилмаган спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчилар таркиби Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслардан бутланиши мумкин.

Шунингдек, тренер-ўқитувчилар таркиби спортнинг олимпия ва паралимпия турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари мусобақаларининг ғолиб ва совриндор спортчиларидан бутланиши мумкин.

Умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари спорт мактабларига ўриндошлик асосида оммавий спорт турлари бўйича тренер-инструктор лавозимига ишга қабул қилиниши мумкин.

Спорт мактабининг тренер-ўқитувчилари ҳар беш йилда бир марта Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида (ёки унинг филиалларида) белгиланган тартибда малака ошириши лозим.

Малака ошириш муддати ўтган (ёки малака оширишдан ўтмаган) тренер-ўқитувчиларга меҳнат фаолияти давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Таълим муассасаларининг спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналиши битирувчилари тегишли спорт тури бўйича тренер лавозимига ишга қабул қилинганда уч йилдан сўнг малака ошириш курсларига жалб этиладилар.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-у.



Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ишга қабул қилинадиган футбол ва регби бўйича тренерликка номзодлар мажбурий тартибда тегишлича Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва Ўзбекистон регби федерацияси билан келишилади.

Спорт бўйича тренер-ўқитувчилар ўқув гуруҳларини танлайди ва тўлдиради, ўқувчи-спортчилар билан тарбиявий ва ўқув-машқ ишлари олиб боради, ўқувчи-спортчилар тиббий кўрикдан ва диспансер кўригидан ўз вақтида ўтишини назорат қилади, ўқувчи-спортчилар учун уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-машқ режаларини ишлаб чиқади, ўқув-машқ жараёнини такомиллаштириш ва унга энг самарали ва замонавий шакллар ва усулларни жорий этиш бўйича таклифлар киритади".

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июндаги 169-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни кино ва видео тасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди учинчи хатбошисидаги "ўн беш кундан" сўзлари "беш иш кунидан" сўзлари билан алмаштирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининиг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомнинг 3-банди тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"тренер – тренерлик фаолияти бўйича малака оширганлик ҳақидаги сертификатга эга бўлган ёки таълим муассасаларининг спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишини битирган (бунда битирувчи тегишли спорт тури бўйича тренер лавозимига ишга қабул қилинганига уч йилдан ошмаган бўлиши лозим), шунингдек, ўқув-машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс".

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг рус тилида қабул қилинган 2014 йил 11 августдаги 226-сон қарорига иловада:

а) 15-банддаги "двадцати пяти рабочих" сўзлари "пятнадцати" сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 2-босқичидаги бажариш муддатларининг3-бандидаги "семнадцати" сўзи "семи" сўзи билан алмаштирилсин.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининиг "Спорт мактабларини малакали тренер кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2014 йил 10 октябрдаги 284-сон қарорининг 1-бандидаги "рухсатномага эга бўлган" сўзлари "малака оширганлик ҳақидаги сертификатга эга бўлган ёки таълим муассасаларининг спорт фаолияти ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишини битириб, тегишли спорт тури бўйича тренер лавозимида ишлаётганига уч йилдан ошмаган" сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда:

31-банддаги “15” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илованинг “2-босқичи”, “Бажариш муддатлари” устунидаги “5” сонлари тегишлича “3”, “4”, “3” сонлари билан алмаштирилсин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг рус тилида қабул қилинган 2016 йил 1 мартдаги 58-сон қарорига 2-иловада:

а) 20, 24, 25-бандларнинг иккинчи хатбошисидаги, 26, 27, 29, 30-бандлардаги тегишли келишикдаги “рабочий” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-иловага 1-илованинг 3–4-босқичларидаги “Срок выполнения” устунидаги “рабочих” сўзлари чиқариб ташлансин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ер қаъридан фойдаланиш, хавфли ишлар, хавфли товарлар ва моддалар, портловчи материаллар ишлаб чиқариш, уларнинг айланиши соҳасида ҳамда бошқа соҳаларда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 6 июндаги 360-сон қарорида:

а) рус тилидаги матнда берилган 1-иловага 5-илованинг:

“Наименование документа разрешительного характера” устунининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Заключение государственной экспертизы проектно-сметной документации геологических материалов”;

“Перечень документов, представляемых для получения документа разрешительного характера” устунининг 2.3-бандидаги “г” ва “з” кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

“Перечень документов, представляемых для получения документа разрешительного характера” устунининг 5-бандидаги “г” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8 ва 9-бандларининг “Сроки рассмотрения” устунидаги “20” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин;

14.1 – 14.7-бандларининг “Сроки рассмотрения” устунидаги “15” рақамлари “10” рақамлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

3-банднинг “г” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-иловага 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

QMMB: 09/22/88/0165-son
26.02.2022-y.



11-илованинг:

2-банди “Сроки рассмотрения” устунидаги “20” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин;

4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банди “Сроки рассмотрения” устунидаги “20” рақами “15” рақами билан алмаштирилсин;

